

**Абу Муслим**

# **КОРРУПЦИЯ**

# **Жамият ривожига ғов бўлаётган иллат — бу коррупция балосидир.**

**Ўзбекистон Республикаси президенти  
Шавкат Мирзиёев<sup>1</sup>**

---

<sup>1</sup> Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган маросимдаги маърузаси

**Коррўпция** (лат. *corrumpere* — маънавий (ахлоқий) жиҳатдан бузиш, разиллаштириш, йўлдан уриш, лат. *corruptio* — пора бериб сотиб олиш; бузилиш, ишдан чиқиш, ахлоқий (маънавий) бузилиш; чириш; сотқинлик, таназзул) - одатда мансабдор шахс томонидан унга берилган мансаб ваколатлари ва ҳуқуқлардан, шунингдек, бу билан боғлиқ расмий нуфуз мақомидан, имкониятлар ва алоқаларидан ўзларининг шахсий манфаатларини қўзлаб қонунчилик ва аҳлоқ қоидаларига зид равишида фойдаланишини англатадиган атама. Коррупция деб шунингдек, мафия кучли бўлган давлатларга хос бўлган мансабдор шахсларни пора бериб сотиб олиш, уларнинг сотқнлиги, порахўрлиги ҳам тушунилади. Европа тилларида мос келувчи атама одатда кенгроқ семантикага эга бўлиб, бу лотин тилидаги сўзнинг бирламчи маъносидан келиб чиқади.

Мансабдор шахснинг ҳаракатлари ва уни ёллаган шахснинг манфаатлари ўртасидаги ёки сайланган кишининг ҳаракатлари ва жамият манфаатлари ўртасидаги низо коррупцияга хос аломат ҳисобланади. Коррупциянинг кўплаб турлари мансабдор шахс томонидан амалга ошириладиган фирибгарлик сингари бўлиб, давлат ҳукуматига қарши жинояtlар тоифасига киритилади.

Коррупцияга унга тегишли бўлмаган ресурсларни ўз ихтиёрича тақсимлаш соҳасида *дискрецион ҳокимият*<sup>2</sup>га эга бўлган ҳар қандай мансабдор шахс (амалдор, депутат, судья, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходими, маъмурият бошлиғи ва х.к.) дучор бўлиши мумкин. Коррупцияни рағбатлантирувчи асосий омил ҳокимлик қилиш ваколатлардан фойдаланиш билан боғлиқ иқтисодий фойда (рента) олиш имконияти, уни тўхтатиб турадиган омил эса – фош қилиниш ва жазоланиш риски ҳисобланади.

Коррупциянинг тизимли характеристи унинг коррупция қамраб олган давлат ташкилотларида ишлайдиган шахслар учун мажбурий характерда эканлигига ҳам намоён бўлади.

Макроиқтисодий ва сиёсий иқтисодга оид тадқиқотларга кўра, коррупция жиддий зиён етказиб<sup>3</sup>, иқтисодий ўсишга ва бутун жамият манфаатларида ривожланишга тўсқинлик қиласди.<sup>4</sup>

Кўплаб мамлакатларда коррупция жиноий жазога тортилади.

<sup>2</sup> ДИСКРЕЦИОН ҲОКИМИЯТ (французча *discretionnaire* – шахсий ихтиёрга боғлиқ) – орган ёки мансабдор шахсга қонун доирасида ўз ихтиёрича фаолият кўрсатиш ваколатини бериш. Mac., парламентар республика давлат бошлиғи одатий шарт-шароитларда бош вазир ёки тегишли вазир имзосисиз норматив ҳужжатлар чиқариш ҳуқуқига эга эмас, фавқулодда ҳолатларда эса у бундай ҳужжатларни д.х. иштирокисиз чиқариши мумкин. Д.х.дан айниқса маъмурий органлар ва судлар тез–тез фойдаланиб туради, бу амалиётда шахснинг дахлсизлиги, судда айби аниқланмагунча айборд ҳисобланмаслик каби демократик принципларни инкор қилишни англатади, белгиланган тартибининг бузилишига олиб келади.

<sup>3</sup> <http://www.gosbook.ru/node/81444> Румянцева Е. Е. Каков в совокупности и по его частям ущерб от коррупции — кто представит обществу самую верную методику его расчета?//Экспертная сеть по вопросам государственного управления «Госбук»

<sup>4</sup> Bardhan P. Corruption and development // Journal of Economic Literature. — 1997. — Vol. 25. — P. 1320. [1] (англ.)

Tanzi, V. Corruption, Governmental Activities and Markets // IMF Working Paper 94/99. — International Monetary Fund, Washington, DC. — 1994.

## ТАЪРИФ

Transparency International, Жаҳон Банки ва бошқа ташкилотлар коррупция деганда ишониб топширилган ҳукмронлик қилишни шахсий манфаат йўлида суистеъмол қилишни тушунадилар.<sup>5</sup> Шунингдек, аниқлик киритадиган (хукумат ишониб топширилган ресурсларни ўз ичига олиши, у давлат ва хусусий секторга дахлдор бўлиши ва ҳ.к.)<sup>6</sup> ёки янада қаттикроқ юридик ифодалардан фойдаланадиган бошқа таърифлар ҳам мавжуд.

Россия қонунчилигига мувофиқ<sup>7</sup>, коррупция бу – хизмат мавқеини суистеъмол қилиш, пора бериш, пора олиш, ваколатларни суистеъмол қилиш, тижорат асосида пора бериб сотиб олиш ёки жисмоний шахснинг ўзи учун ёки учинчи шахслар учун пул, қимматбаҳо нарсалар, бошқа мулк ёки мулкий характердаги ҳукуқлар ёки бошқа мулкий ҳукуқларни қўлга киритиш мақсадида давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлариға зид равища ўзиннинг хизмат мавқеидан ноқонуний фойдаланиши ёки бошқа жисмоний шахслар томонидан кўрсатилган шахсга бундай фойдани ноқонуний равища тақдим этиш; шунингдек, кўрсатилган ҳаракатларни юридик шахс номидан ёки унинг манфаатларида бажаришдир. Қонунчиликда учрайдиган «коррупцион жиноят» тушунчаси алоҳида таърифга эга эмас.

Суистеъмол коррупция шаклларидан бири (mansabdor шахс ёки шахслар гурухи жиноий ҳаракатларидан бири) бўлиши мумкин, лекин коррупция таърифининг бутун тўлиқлиги бу билан тугамайди.

Россия Федерацияси томонидан ратификация қилинган Европа Коррупция ҳақида жиноий-ҳукуқий конвенцияси (ингл. *Criminal Law Convention on Corruption*) коррупцияни юридик ва жисмоний шахсларнинг қаттиқ жиноявлари қаторига киритади. 2010 йил ҳолатида Россияда битта коррупцион жиноят учун Маъмурий ҳукуқбузарликлар ҳақида Кодекс бўйича ҳам, Жиноят кодекси бўйича ҳам жазо олиш мумкин бўлган.

## КОРРУПЦИЯ ТАРИХИ

Коррупциянинг тарихий илдизлари, афтидан, бирон кишида мойиллик ўйғотиши учун совға бериш одатига бориб тақалади. Қимматбаҳо совға одамни бошқа илтимосчилар орасида ажратиб кўрган ва унинг илтимоси бажарилишига хизмат қилган. Шу сабабли ибтидоий жамиятларда коҳин ёки қабила бошлиғига тўлов одат бўлиб қолган. Давлат аппаратининг мураккаблашуви ва марказий ҳукуматнинг кучайиши билан профессионал амалдорлар пайдо бўлган бўлиб, улар, ҳукмдорларнинг фикрига кўра, факат

<sup>5</sup> The Anti-Corruption Plain Language Guide

<sup>6</sup> Chinhamo O., Shumba G. Institutional working definition of corruption // ACT Southern Africa Working Paper. 2007. No. 1

<sup>7</sup> Федеральный закон Российской Федерации от 25 декабря 2008 г. N 273-ФЗ «О противодействии коррупции»

қатъий белгиланган маош билан кифояланиши лозим бўлган. Амалда эса бу амалдорлар ўз мавқеидан даромадларни яшириш ошириш мақсадида фойдаланишга ҳаракат қилганлар.

У ҳақида коррупцияга қарши курашган ҳукмдор сифатида хотира қолган шахс Урунимгина – эрамиздан аввалги XXIV асрнинг иккинчи ярмида Лагаш шаҳар-давлатининг шумерлар подшоси ҳисобланади. Коррупция учун бошқаларга намуна бўладиган ва кўпинча шафқатсиз жазолар қўлланишига қарамай, унга қарши кураш кутилган натижаларга олиб бекелмаган. Энг яхши ҳолатда хавфли жиноятларнинг олдини олишга эришилган, лекин майда камомад ва порахўрлик даражасида коррупция оммавий характерга эга бўлган. Коррупция муҳокама қилинган дастлабки асар — «Артха-شاстра» — эрамиздан аввалги IV асрда Бхарат (Хиндистон) вазирларидан бири томонидан Каутилья тахаллуси остида чоп этилган. Унда муаллиф «подшоҳнинг мулки, ҳатто кичик миқдорда бўлса ҳам, бу мулкни идора қиладиганлар томонидан ўзлаштириб олиниши мумкин эмас» деган хulosса чиқарган.

Худди шу каби муаммоларга Қадимги Миср фиръавнлари ҳам дуч келган бўлиб, бу ерда эркин деҳқонлар, ҳунармандлар ва ҳатто ҳарбий аъёнларга нисбатан ҳам ўзбошимчлик ва зўравонлик ишлатган ҳамда қонунбузарликларни ўзига касб қилиб олган амалдорлар бюрократик аппарати юзага келганди. Бизнинг кунларгача етиб келган Итахотел деган шахс ўз панд-насиҳатлрида қуидагича тавсия беради: «Бошлиқ олдида белингни букиб таъзим қил, шунда сенинг уйингда тартиб бўлади, сенинг маошинг жойида бўлади, ким бошлиққа қаршилик кўрсатадиги бўлса, унинг ҳаёти осон кечмайди, лекин у илтифот кўрсатганда эса яшаш ҳам осон бўлади».<sup>8</sup>

Судьялар сотқинлиги алоҳида ташвиш уйғотарди, чунки бу мулкнинг ноқонуний тақсимланишига ва низоларни ҳуқуқ майдонидн ташқарида ҳал қилишга олиб келгн. Бежизга барча динларда коррупция турлари орасида биринчи навбатда судьяларни пора бериб сотиб олиш қораланмайди: «...бошлиқ совға талаб қиласи, судья пора эвазига суд қиласи, катта амалдорлар эса ўз хоҳишига қараб бизлрни жазолайди ва ишларни нотўғри талқин қиласи...»<sup>9</sup>; «Тухфалар қабул қилма, чунки тухфалар кўзи очиқларни сўқир қилиб қўяди ва ҳақ бўлганлар ишини ўзгартириб юборади» (Чиқиши. 23:8, қ. шунингдек, Иккинчи қонун. 16:19); «Бир-бирингизнинг мулкингизни ноқонуний ўзлаштириб олманг ва бошқа кишилар мулкининг бир қисмини қасдан эгаллаб олиш ниятида ҳакамларни пора бериб сотиб олманг» (Қуръони карим, 2:188) ва ҳ.к.

Қадимги Рим қонунларида «согитреге» атамаси «судда кўрсатмаларни пулга сотиб олиш» ва «судьяни пора бериб сотиб олиш» мъносида фойдалания бошлаган: «Наҳотки сен судда сўзлашда ишларни текшириш

<sup>8</sup> Хрестоматия государства и права зарубежных стран. Древность и Средние века / сост. В. А. Томсинов. — М.: Зерцало, 1999; 2004. — С. 56.

<sup>9</sup> Библия. Ветхий Завет. — М., 1994. — С. 352.

учун тайинланган ва бу иш бўйича пора олган судъя ёки воситачини ўлим жазоси билан жазолайдигн қонунни шафқатсиз деб хисоблайсиз?)».<sup>10</sup>

Никколо Макиавелли асарлари коррупцияни англаб етишга муҳим туртки берган. У коррупцияни касаллик, масалан, сил касаллиги билан тенглаштирган. Агар касал ўтқазиб юборилган бўлса, уни аниқлаш осон, лекин даволаш жуда қийин.<sup>11</sup>

XVIII аср охирларидан бошлаб ғарб мамлакатларида жамиятнинг коррупцияга бўлган муносабатида туббурилиш рўй берди. Либерал ўзгаришлар давлат ҳукумати унинг қўл остидаги одамлар манфаатида мажуд ва шу сабабли фуқаролар амалдорларнинг қонунга сўзсиз риоя қилишлари эвазига ҳукуматни боқади деган шиор остида ўтган. Хусусан, 1787 йил қабул қилинган АҚШ Конституциясига мувофик, пора олиш айтиб ўтилган иккит жиноят турларидан бири бўлиб, улар учун АҚШ Президентига импичмент эълон қилиниши мумкин. Жамият давлат аппарати иши сифатига тобора катта таъсир кўрсата бошлган. Сиёсий партиялар ва давлат томонидан тартибга солишининг куйчайиши билан йирик бизнес ва сиёсий партиялар тил бириктириши ҳолатларининг ўсиши ташвий уйфота бошлади. Лекин шунга қарамай, XIX-XX асрлар давомида ривожланган мамлакатларда коррупция даражаси қолган дунё билан таққослагандан анча пасайди.<sup>12 13</sup>

XIX ва XX асрлар бўсағаси ривожланган мамлакатларда коррупция ривожланишида янги босқич бўлди. Бир томондан, давлат томонидан тартибга солишининг ва мос равишда, амалдор ҳукмонлигининг навбатдаги кучайиши бошланди. Бошқа томондан – рақобат курашида «давлатни пора бериб сотиб олиш» - давлатнинг алоҳида майда хизматчиларини вақти-вақти билан пора бериб сотиб олиш эмас, балки капитал манфаатларини ҳимоя қилиш учун юқори мансабдаги амалдорлар ва сисатчилар фаолиятини тўғридан-тўғри бўйсундиришга мурожаат қиласидиган йирик хусусий бизнес вужудга кела бошлади. Сиёсий партиялар аҳамиятининг ўсиши билан ривожланган мамлакатларда (айниқса, Фарбий Европа мамлакатларида Иккинчи жаҳон урушидан кейин) партия коррупцияси ривожланиб, бунда ўз манфатларини ҳимоя қилиш ва илгари суриш учун йирик фирмалар ва трансмиллий корпорациялар нафақат шахсан сиёсатчиларга, балки партия кассасига ҳам пул тўлай бошлади.

XX асрнинг иккинчи ярмида коррупция янада долзарб ҳалқаро муаммога айлана бошлади. Корпорациялар томонидан чет элдаги юқори мансабдор шахсларни пора бериб сотиб олиш оммавий характерга эга бўлди. Глобаллашув шунга олиб келдики, бир мамлакатдаги коррупция қўплаб мамлакатларнинг ривожланишига салбий таъсир кўрсата бошлади. Бунда коррупция даражаси энг юқори бўлган мамлакатлар учинчи дунё билан

<sup>10</sup> Таблица IX. З. Авл. Гелий / Законы XII таблиц. Хрестоматия по истории государства и права зарубежных стран / под ред. В. А. Томсинова. — М.: Зерцало, 1999. С. 120.

<sup>11</sup> Макиавелли Н. Избранное. — М., 1989. — С. 78-79.

<sup>12</sup> Bardhan P. Corruption and development: a review of issues. — In: Political corruption: concepts and contexts / Ed. Heidenheimer A. J., Johnston M. 3rd ed. New Brunswick, NJ: Transaction, 2002. — ISBN 978-0-7658-0761-8 — P. 331.

<sup>13</sup> Glaeser E. L., Goldin C. Corruption and reform: an introduction (англ.) // NBER Working Paper 10775. 2004.

чегараланиб қолмайди: 1990-йилларда собиқ социалистик мамлакатлардаги эркинлаштириш ўтакетган мансаб суистеъмоллари билан биргаликда кузатилди. 1995 йил 31 декабрь сонида «Financial Times» газетаси 1995 йилни «коррупция йили» деб атади. Коррупция ҳақида билимларни тарғиб қилиш учун БМТ Коррупцияга қарши кураш халқаро куни (9 декабрь) таъсис қилди.

## ТИПОЛОГИЯ

Коррупцияни кўплаб белгилар бўйича таснифлаш мумкин: ўзаро алоқа қиласиган субъектлар турлари бўйича (фуқаролар ва майда хизматчилар, фирмалар ва амалдорлар, миллат ва сиёсий раҳбарият); фойда тури бўйича (фойда олиш ёки харажатларни камайтириш); йўналиш бўйича (ички ва ташқи); субъектларнинг ўзаро алоқа қилиш усули бўйича, марказлашув даражаси бўйича, олдиндан айтиб бериш, тизимлилик ва х.к. бўйича. Россияда коррупция тарихан ноқонуний устунликларга эга бўлиш қонуний ҳаракатларни («мздоимство») ёки ноқонуний ҳаракатларни («лихоимство») амалга ошириш учун рўй бериши белгиси бўйича ҳам фарқланади.

## КОРРУПЦИЯНИ АХЛОҚИЙ БАҲОЛАШ

Коррупциянинг турлича намоён бўлишлари турлича ахлоқий баҳога эга: айрим ҳаракатлар жиноий, бошқа ҳаракатлар эса – ахлоқсиз ҳаракатлар ҳисобланади. Ахлоқсиз ҳаракатлар каторига, қоидага кўра, меритократия тамойилларини бузадиган сиёсий йўналишлар асосида ҳомийлик қилиш ва ошна-оғайнигарчилик қилиш киради.

Бироқ коррупцияга нисбтан ижобий муносабат ҳам учрайди: «Коррупцияни қонун ривожи суст бўлган жойларда қонун устунлигини фойдали алмаштириш деб ҳисоблаш мумкин. Бошқача қилиб айтганда, коррупцион фаолиятдан фойда – у амалга оширишга имкон берадиган қўшимча унумли трансакциялар натижасида яратиладиган қиймат – ҳаражатлардан катта бўлиши мумкин. Бундай вазият эҳтимоли бизнес билан шуғулланиш учун қонуний имкониятлар жуда чекланган ҳолатларда энг юқори бўлади»<sup>14</sup>, - шундай ҳисоблайди Канзас университети бизнес кафедрасининг профессори, иқтисодчи Дуглас Хьюстон.

Коррупцияни лоббизмдан фарқлай олиш лозим. Лоббида мансабдор шахс ҳам ўз хизмат ваколатларидан белгиланган гурӯҳ манфаатларидаги ҳаракатлар эвазига лавозим пиллапояси бўйлаб ҳаракатланиш ёки тайинланиш имкониятини ошириш учун фойдаланади. Асосий фарқ шундаки, лоббизм учта шартга жавоб беради:<sup>15</sup>

<sup>14</sup> Дуглас Хьюстон. Способна ли коррупция улучшить положение дел в экономике?. inLiberty.ru.

<sup>15</sup> Jain A. K. Corruption: a review // Journal of Economic Surveys. — 2001. — Vol 15, No. 1. — P. 71.

1. Мансабдор шахсга таъсир этиш жараёни рақобатли характерга эга бўлиб, барча қатнашчиларга маълум бўлган қоидаларга риоя қиласди.
2. Сир тутилган ёки қўшимча (иккинчи даражали) тўловлар мавжуд эмас.
3. Мижозлар ва агентлар бир-биридан шу маънода мустақилки, ҳеч қандай гурух бошқа гурух ишлаб топган фойдадан улуш олмайди.

Бироқ айрим тадқиқотчилар лоббизмни коррупциянинг таркибий қисми деб ҳисоблади, холос.<sup>16</sup>

Коррупциянинг энг хавфли шакллари оғир жиноятлар сифатида баҳоланади. Улар қаторига, энг авало, қонунга хилоф равишда сарф этилган пул (растрат) ва пора киради. *Растрат* мансабдор шахсга ишониб топширилган ресурсларни шахсий мақсадларда сарфлашдан иборат. У оддий ўғриликдан шуниси билан фарқ қиласди, шахс дастлаб ресурсларни тасарруф қилишга қонуний хуқуқни қўлга киритади: бошлиқдан, мижоздлан ва ҳ.к. *Пора* коррупциянинг бир тури бўлиб, бунда мансабдор шахснинг ҳаракатлари унга белгиланган фойда тақдим этиш эвазига юридик ёки жисмоний шахсга хизмат кўрсатишдан иборат. Аксарият ҳолларда агар пора бериш тамагирликнинг оқибати бўлмаса, асосий фойдани пора берувчи олади.<sup>17</sup> Қаттиқ жиноятлар қаторига, шунингдек, сайловчилар овозини сотиб олиш ҳам киради (гарчи айримлар уни коррупциянинг бир шакли эмас, ҳалол бўлмаган сайлов кампанияси тури деб ҳисобласада).

Коррупция кўпинча хукуматни куч ишлатиб алмаштиришга даъватлар учун сабаб бўлади. Бунда айбловлар кўпинча факат муайян сиёсатнинг энг яхши намоёндаларига эмас, бутун сиёсий тизимга нисбатан қўйилади. Оскар Ариас Санчеснинг қайд этишича, авторитар режимлар хукумат суистеъмолларнинг аксариятини муваффакият билан яширишга қодир, шундай экан, уларнинг коррупцияга берилганлиги ҳақидаги хulosса билвосита гувоҳликларни ва бутун жамият учун ҳалокатли оқибатларни таҳлил қилиш асосида чиқарилади. Аксинча, демократик режимларда коррупция кўпинча кенг ошкор қилинади ва жиддий зиён етказишидан олдин тўхтатилади. Бироқ вақти-вақти билан рўй берадиган можаролар фуқароларда мамлакатда сиёсий қарорлар қабул қилиш жараёнига таъсир этиш қобилиятига шубҳа уйғотади ва демократиядан кўнгил қолади.<sup>18</sup>

## КОРРУПЦИЯ ТУРЛАРИ

**Маиший коррупция** оддий фуқаролар ва амалдорларнинг ўзаро алоқалари натижасида вужудга келади. Унинг таркибига фуқаролардан мансабдор шахс ва унинг оила аъзоларига турли совғалар ва хизматлар киради. Ушбу тоифага ошна-оғайнигарчиликлар (непотизм) ҳам киради.

**Ишбилармонлик коррупцияси** хукумат ва бизнеснинг ўзаро алоқалари натижасида вужудга келади. Масалан, хўжалик низоси рўй берган ҳолатларда

<sup>16</sup> Заграевский С. В. О возможных способах борьбы с коррупцией в России

<sup>17</sup> Bardhan P. Corruption and development // Journal of Economic Literature. — 1997. — Vol. 25. — P. 1320.

<sup>18</sup> Ариас Санчес, О. Предисловие // Основы борьбы с коррупцией (системы общегосударственной этики поведения) / Под ред. С. В. Максимова — М.: 1999.

томонлар ўз фойдасига қарор чиқариш мақсадида судья күмагини қўлга киритишга ҳаракат қиласди.

**Олий ҳукумат коррупцияси** демократик тизимларда олий судлар ва сиёсий раҳбариятга дахлдор. У виждонсиз хулқ-атвори ўз манфаатлари йўлида ва сайловчилар манфаатларига зиён етказган ҳолда сиёсатни амалга оширишдан иборат бўлган ҳукумат тепасида турган шахслар билан боғликдир.

## КОРРУПЦИЯ ХИЗМАТЛАРИ БОЗОРИ

Номарказлашган (ташқи) коррупция энг тарқалган бўлиб, бунда битимлар мансабдор шахс ва хусусий шахс ўртасида индивидуал равишда тузилади. Бироқ ички коррупция – битта ташкилот аъзолари ўртасидаги коррупция – кўшилиши унга уюшган жиноят жиҳатларини баҳшида этади.

Бихевиоризм таълимотига мувофиқ, жамоага қўшилгач, одам бу жамоада қабул қилинган одоб-ахлоқ қоидаларини ўзлаштириб олади. Шу сабабли, агар ички идора маданияти порага муносабат бўйича «ходимларнинг ҳаракатларини муҳокам қилишда ошкоралик йўқлиги, хизмат билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишда масъулиятызлиқ, вақтичоғлик вазияти»<sup>19</sup> ҳукмронлик қиладиган бўлса, бундай жамоага янги келганлар бундай хулқ-атворни нормал деб қабул қиласди ва келгусида унга риоя қиласди.

Бироқ бошқа тадқиқотчиларнинг фикрига қўра, кишида бундай мухитдан чиқиб кетиш учун, шунингдек, митти жамият томонидан ҳуқуқбузарликларни писанд қилмаслик ёки ошкора қилиш ва куаш учун доимо жиддий имконият бўлади.

Коррупциянинг амалдорлар орасида кенг тарқалиши шунга олиб келадики, унда бошлиқлар ҳам, қўл остидаги ходимлар ҳам манфаатдор бўлади. коррупция билан боғлиқ потенциал фойда ва рискларни баҳолаш соддалаштирилган шаклда қуидаги модель билан тавсифланади:

Бошлиқ		Қўл остидаги ходим	
Плюс	Минус	Плюс	Минус
<ul style="list-style-type: none"><li>• қўл остидаги ходимлар пора фоизи – баркарор даромад</li><li>• пора беришда тушадиган бўлса – у кенгроқ – пора кўпроқ бевосита иштирок этиш бошлигини йўқ</li><li>• қўл остидаги ходим ўзини сотиб оғирлаштиручи ҳолат</li></ul>	<ul style="list-style-type: none"><li>• Агар кўл остидаги ходим кўллга остидаги ходим қўллга – у кенгроқ – пора кўпроқ сотиб</li><li>• Уюшган гурух – олиш хавфсизроқ ҳомийлиги остида пора</li></ul>	<ul style="list-style-type: none"><li>• Имкониялар</li><li>• Бошлиқ</li></ul>	<ul style="list-style-type: none"><li>• Уюшган гурух оғирлаштирувчи ҳолат</li><li>• Порада фоиз беради</li></ul>

Мазкур тизим анча ўзгрmas бўлиб, бу билан коррупция фаолияти баркарорлиги таъминланади. Масалан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш

<sup>19</sup> Приказ ГТК РФ от 26.04.1995 № 287 «О состоянии работы по борьбе с коррупцией, должностными преступлениями и задачах по обеспечению собственной безопасности таможенных органов РФ».

органларининг ҳалоллик презумпцияси тамойилига дуч келиш мумкин бўлиб, бу улар ходимларини ғайриқонуний ҳаракатларда фош этиш имконияти жуда ҳам паст эканлигини англатади.

Амалиётда қўл остидаги ходимлар фақат бошлиғига, балки бир-бирига ҳам пора беради. Коррупция учун ўзига хос бўлган иқтисодий механизмлар ва ички бзорлар шаклланиши пировард натижа ҳисобланади. Хусусан, ўта юқори ноқонуний даромадларга қарши позициялар вужудга келади. Амалдорлар ўртасида бундай позициялар учун кураш ички меҳнат бозорини шакллантиради. Коррупциянинг ривожланиши билан амалдорлар ҳар бир пора учун рақобатни ошириш ва умумий даромадни кўпайтириш мақсадида муайян қарор қабул қилиш учун ички рақобатни пасайтириш учун тарифлар ишлаб чиқадиган алоҳида идоралар даражасидан бошлаб бозорнинг номарказлашуви рўй беради. Ноқонуний молиявий оқимлар баркарорлигини кўллаб-куватлаш коррупциядан олинадиган иқтисодий фойдани оширишга ҳамда хуқуқий ва ижтимоий рискларни пасайтиришга қаратилган маъмурий ва қонунчилик чора-тадбирларини талаб қиласди.<sup>20</sup>

## ХУСУСИЙ ШАХС МАНФААТДОРЛИГИ

**Тамагирлик** («давлат рэкети») амалорнинг ваколатлари доирасига кирадиган лицензия, маҳсус рухсатнома ёки бошқа ҳар қандай хизматлар олишда кимгadir тўсқинлик қилиш дискрецион ҳокимликка эга бўлган амалдорлар томонидан қўлланади. Агар амалдор тегишли тўловлар (масалан, солиқлар ёки божлар) миқдорини баҳолаш ваколатларига эга бўлса, бу ҳам тамагирлик учун имкониятлар очиб беради.

Давлат хизматчиси томонидан тамагирликка дуч келинган ҳолларда хусусий шахс пора бериш (бу фош бўлиш риски билан боғлиқ) ёки давлат хизматчисининг устидан ички ёки ташқи назорат органига шикоят қилишдан бирини танлашига тўғри келади. Қабул қилинадиган қарор шикоят қилиш жараёни қанчалик харажатли эканига, шунингдек, фуқаронинг ўз қонуний хуқуқлари ва давлат хизматчисининг мажбуриятлари ҳақида қанчалик хабардор эканлигига боғлиқ бўлади.

**Тил бириктириш** тамагирлик билан бир хил шароитларда вужудга келади, бироқ шуниси билан фарқ қиласди, иккала томон учун фойдали бўлади ва давлатга зиён етказадиган битим тузишдан иборат бўлади. Масалан, пора эвазига божхона инспектори импорт миқдорини пасайтириб кўрсатиши ва шу тариқа импорт билан шуғулланучи фирма тўлаши лозим бўлган бож миқдорини камайтириши мумкин. Битимга шунингдек, амалдор устидан назорат учун жавобгар бўлган структуралар жалб қилиниши мумкин.

## БОЙИШ СОҲАЛАРИ

<sup>20</sup> ain A. K. Corruption: a review // Journal of Economic Surveys. — 2001. — Vol 15, No. 1. — P. 71.

Бюрократия учун, айниқса, сиёсатнинг энг яхши намоёндалари учун коррупция билан боғлиқ бойишнинг асосий йўлларидан бири давлат харажатлари ҳисобланади.<sup>21</sup>

**Инвестицион лойиҳалар** кўп жиҳатдан олий мартабали амалдорлар ўз ихтиёрига кўра қабул қиласиган қарорлар билан белгиланади. Йирик инвестиция лойиҳалари (хусусан, хорижий корпорациялар иштирокида) кўпинча монопол ҳуқуқларни конкурс ғолибига беришни қўзда тутади, бу эса амалдорларга айниқса катта пора ваъда қиласи. Айрим лойиҳалар белгиланган гурухлар лойиҳа ижроиси сифатида тайинланадиган шахслардан рента («давлат рентаси»<sup>22</sup>) олиши учун маҳсус ташкил қилинади.

**Давлат харидлари**, қоидага кўра, конкурс асосида бир нечта таклиф орасидан объектив равишда энг яхшисини танлашни назарда тутади, лекин баъзида амалдор битимдан энг кўп «комиссион тўлов» (откат-ортга қайтариш) ваъда қиласи сотувчининг ғалабасини таъминлаши мумкин. Бунинг учун конкурсда иштирок этиш чегараланади, унинг қоидалари тўлиқ маълум қилинмайди ва ҳ.к. Натижада харидлар оширилган нархлар бўйича амалга оширилади.

**Бюджетдан ташқари счетлар** кўпинча қонуний мақсадлар билан (пенсия фонди, йўл фонди ва б.) билан ташкил қилинади. Бироқ айрим фондларда, масалан, ногиронларга қўмак бериш фондларида даромад реал харажатлардан ортиқ бўлиши мумкин, бу эса айрим амалдорларда «кортиқча» капитални ўзлаштириб олиш истагини рағбатлантиради. Аксинча, тақчиллик шароитларида амалдорлар пул кимга келиб тушишини ўз ихтиёрича ҳал қиласи. Айрим мамлакатларда хорижий ёрдам орқали ёки табиий ресурсларни сотишдан олинган маблағлар бюджет маблағларидан кўра ёмонроқ назорат қилинадиган ва унчалик шаффофф бўлмаган маҳсус фондларга йўналтирилди. Товарлар нархининг ҳар дақиқада ўзгариб туриши сабабли транзакциянинг асл нархини ва бундай фондларга ажратмалар ҳажмини аниқлаш осон эмас, бу эса пулнинг бир қисмини амалдорлар чўнтағига йўналтириш имконини беради.<sup>23</sup>

Коррупция борасида энг фойдали бўлган соҳалар орасида қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- Солик имтиёзлари
- Хомашё товарларини бозор нархларидан арzonга сотиш
- Районлаштириш, чунки бу ернинг баҳосига таъсир этади
- Табиий ресурслар қазиб чиқариш

<sup>21</sup> Tanzi V. Corruption around the world. // IMF Staff Papers. — 1998. — Vol. 45, No. 4. — P. 559.

<sup>22</sup> Амалдорларнинг пора ва «отступной» олишини англатадиган «Давлат рентаси» атамаси билан бир қаторда Россияда «маъмурият рентаси» (Е.Гайдар томонидан 1995 йил «Реформы в России. Установившиеся интересы и практические альтернативы») конференциясида киритилган) ва «статус рентаси» (Президент В.Путин томонидан 2001 йил ҳар йиллик Федерал йигилишга мурожаатида киритилган) ифодаси ҳам қўлланади.

<sup>23</sup> Tanzi V. Corruption around the world. // IMF Staff Papers. — 1998. — Vol. 45, No. 4. — P. 559.

- Давлат активларини сотиш, айниқса, давлат корхоналарини хусусийлаштириш
- Тижорат фаолиятининг маълум бир турига (айниқса, экспорт-импорт соҳасида) монопол ҳокимлик тақдим этиш
- Хуфёна иқтисодиёт ва ноқонуний бизнес стидан назорат (тамагирлик, тақиб қилишдан ҳимоя, рақобатчиларни йўқ қилиш ва ҳ.к.)
- Ҳукумат органларида масъул лавозимларга тайинлаш.

Проф. Т.Гильвасоннинг таъкидлашича, фукароларда давлат бошқаруви ҳақида ахборотга эркин эга бўлиш йўқлиги (яъни унинг шаффоф эмаслиги) коррупцияга хизмат қиласи ва иқтисодий инқирозларга олиб келиши муқаррар бўлади.<sup>24</sup>

## СУД ТИЗИМИДА КОРРУПЦИЯ

Қуйидаги келтирилган коррупция шакллари биринчи навбатда, судьяларга дахлдор, лекин маъмурий ҳуқуқбузарликлар ҳолатида мос келувчи ишларни кўриб чиқиш ваколатларига эга бўлган мансадор шахсларга (ички ишлар органлари, ёнғинга қарши назорат органлари, солик органлари, божхона органлари ва б.) ҳам дахлдор бўлиши мумкин.

**Қонунчиликдаги «санчқи»лар.** Кўплаб меъёрлар айб даражасини, ҳуқуқбузарликлар оғирлиги ва бошқа ҳолатларни максимал ҳисобга олиш мумкин бўлиши учун судьяга юмшоқ ва қаттиқ жазо турлари ўртасида танлашга имкон беради. Бунда судьяда ҳуқуқбузарлик содир этган шахсга нисбатан таъсир этиш воситаси пайдо бўлади. Жазонинг юқори ва қуий чегаралари ўртасида фарқ қанчалик катта бўлса, фуқаро шунчалик катта пора беришга тайёр бўлади.

**Муқобил маъмурий жазолаш.** Муқобил маъмурий жазо бериш, масалан, жарима тайинлаш ёки ҳибсга олиш билан боғлиқ ҳуқуқ меъёрлари мавжуд. Кўпчилик «санчқи»-меъёрлардан уларни нафақат жазолар доирасининг кенглиги (шундай экан, фукаронинг пора бериш мотивацияси кучлироқ эканлиги), балки одил судни суд ҳукумати эмас, ижроия ҳукумати амалга ошириши ҳам фарқлаб туради. Кўплаб ҳуқуқшуносларнинг фикрига кўра, бу турдаги жарималардан фойдаланиш факат жиноий суд жараёнларида ўзини оқлайди, лекин маъмурий жараёнда кўп асосларга эга эмас: «Биринчидан, суд жараёни очиқлик (ошкоралик), судда ишни кўришнинг тортишувлилик, оғзакилик ва бевоситалик тамойилларига асосан ташкил қилинади. Маъмурий ишларни кўришда эса аксарият ҳолларда фуқаро ҳукумат вакиллари билан юзма-юз қолади. Иккинчидан, маъмурий ҳуқуқбузарлик учун ҳатто энг қаттиқ жазо ҳам уни дифференциация қилиш маънога эга бўлиши учун жиноий ҳуқуқдаги каби оғир бўлмайди».<sup>25</sup>

<sup>24</sup> Владимир Снегирев: Нам надо перенять опыт Исландии в борьбе с кризисом — Владимир Снегирев — Российская газета

<sup>25</sup> Jain A. K. Corruption: a review // Journal of Economic Surveys. — 2001. — Vol 15, No. 1. — P. 71.

**Хуқуқбузарлик таркибини қайта баҳолаш.** «Санчқи» турларининг яна бири хуқуқбузарлик таркибининг турли кодексларда такрорланиши ҳисобланади. Бу содир этилган хуқуқбузарликни юмшоқроқ тоифага (масалан, жинойидан маъмурий ёки фуқаролик тоифасига), ёки аксинча, каттиқроқ тоифага қайта баҳолаш учун имкониялар очиб беради. Жиноятлар ва бошқа хуқуқбузарликларни бир-биридан ажратиш кўпинча қонунчиликдаги ифодаларнинг мавҳум эканлиги сабабли қийин бўлади ёки бундай ҳолатларда судья (ёки мансабдор шахс) ўз ихтиёри бўйича қарор қабул қиласи, бу эса пора ва тамагирлик учун имкониятлар очиб беради.

**Фуқароларнинг пул билан боғлиқ бўлмаган йўқотишилар.** Айрим хуқуқ меъёрлари, агар шахсга нисбатан хуқуқ меъёрига бўйсуниш билан боғлиқ йўқотишилар кўлланадиган бўлса, коррупцияга олиб келиши мумкин. Ҳаттоқи жарима миқдори ва жиноят учун жарима миқдори номинал равишида тенг бўлган ҳолатларда ҳам, таъкидлаш жоизки, жарима тўлаш банқда тўловни амалга ошириш ва тўловни амалга оширганлик ҳақида квитнцияни мос келувчи идорага тақдим этиш билан боғлиқ пулсиз, вақт харажатлари билан биргаликда кузатилади. Хуқуқ меъёрлари туфайли вужудга келадиган пул билан боғлиқ бўлмаган йўқотишилар хилма-хил бўлиб, фуқаролар учун турли даражада ёқимсиз бўлади. Шуни ҳам ҳисобга олиш керакки, судда ўз ҳақлигини ҳимоя қилишга ҳамма фуқаролар ҳам тайёр бўлмайди.

## КОРРУПЦИЯДАН ЗАРАР

Эмпирик маълумотларнинг кўрсатишича, коррупция қуйидагиларга сабабчи бўлади:

- давлат маблағлари ва ресурсларини самарасиз тақсимлаш ва сарфлаш;
- мамлакат иқтисодиёти нуқтаи назаридан коррупцион молиявий йўқотишилар самарасизлиги;
- солиқ органлари солиқларнинг бир қисмини ўзлаштириб олган ҳолларда солиқларнинг йўқотилиши;
- кўйиладиган тўсиқлар туфайли вақт йўқотилиши, давлат аппаратида иш самарадорлигининг пасайиши;
- хусусий тадбиркорларнинг хонавайрон бўлиши;
- малакали кадрларнинг бошқа мамлакатларга кетиб қолиши;<sup>26</sup>
- ишлаб чиқаришга инвестициялар пасайиши, иқтисодий ўсишнинг пасайиши;
- ижтимоий сервис сифатининг пасайиши;
- ривожланаётган мамлакатларга халқаро ёрдамдан мақсадли йўналишда фойдаланмаслик, бу унинг самарадорлигини кескин тушириб юборади;
- шахслар қобилиятларидан самарасиз фойдаланиш: моддий неъматлар ишлаб чиқариш ўрнига одамлар унумсиз рента излашга вақт кетказиб ўтиради;
- ижтимоий тенгсизликнинг ўсиши;


<sup>26</sup> Коррупция влияет на миграцию квалифицированных кадров

- уюшган жиноятчиликнинг кучайиши – «банда»лар «мафия»га айланади;
- хукуматнинг сиёсий қонуний ҳукуқларига путур етиши;
- жамиятда одоб-ахлоқ пасайиб кетиши.<sup>27</sup>

Коррупция кучли бўлган бюрократик аппаратларда давлат ресурсларининг катта қисми онгли равишда уларни талон-тарож қилиш осон бўлган ёки пора тўплаш осон бўлган каналларга йўналтирилади. Ҳукмрон элита сиёсати коррупция устидан назорат механизмларини – матбуот эркинлиги, одил суд тизими, рақобатлашувчи элиталар (оппозиция) ва шахсларнинг мустакиллигини босишга йўналтирилган бўлади.<sup>28</sup> Масалан, айрим кишиларнинг таъкидлашича, одам хулқ-автори ва ташқи кўриниши ҳукуқни муҳофаза қилиш органлри учун пора тама қилиш мақсадида бу кишини тўхтатишга сигнал ҳисобланадиган ҳолатлар мавжуд.

Коррупцияга чидаб бўладиган муносабатда бўлиш мумкин деган нуқтаи назар ҳам мавжуд. Бир далилга мувофиқ, кўплаб мамлакатлар (Индонезия, Таиланд, Корея) тарихида иқтисодиёт ва коррупция бир вақтда ўсган даврлар кузатилган. Бошқа бир далилга кўра эса, порахўрлик фаолият юритишнинг бозор тамойилларини давлат ва муниципал структураларда амалга ошириш, холос. Шундай қилиб, коррупцияга чидаса бўладиган муносабатда бўлиш иқтисодий «бум» шароитларида ёки у бутун бозор самарадорлигига таъсири этмагунга қадар йўл қўйилиши мумкин. Ушбу нуқтаи назар танқидчилри санаб ўтилган сабаблар туфайли коррупция даражаси юқори бўлган мамлакатлар ўсиш давридан кейин баркарорликни йўқотиши ва қуий томон шўнғиши мумкин деб эътиroz билдирадилар.<sup>29</sup>

### КОРРУПЦИЯНИНГ ОПТИМАЛ ДАРАЖАСИ



<sup>27</sup> Как писал Томас Гоббс, коррупция «есть корень, из которого вытекает во все времена и при всяких соблазнах презрение ко всем законам».

<sup>28</sup> Jain A. K. Corruption: a review // Journal of Economic Surveys. — 2001. — Vol 15, No. 1. — P. 71.

<sup>29</sup> Rose-Ackerman S. The Political Economy of Corruption // Corruption and the global economy / Ed. Elliott K. A. — Washington, DC: Institute for International Economics. — 1997. — P. 31.

Давлат коррупцияга барҳам бериши билан коррупцияга қарши кураш харажатлари шунчалик ўсадики, коррупцияни тўлиқ тутгатишга чексиз ҳаракатлар сарфлашга тўғри келади.<sup>30</sup> Коррупциядан кўриладиган йўқотишлар ва коррупцияга барҳам бериш харажатларини таққослаб, энг кам умумий йўқотишларни акс эттирадиган коррупция оптимал даражасини аниқлаш мумкин. Маълум бўлишича, жамият учун бу жараён харажатлари жуда катта эканлиги сабабли коррупцияни охиригача яксон қилмаган кўпроқ фойда келтиради. Бироқ коррупция билан курашга сарфланган маблағларнинг кейинги самарадорлигини ҳам эсдан чиқармаслик керак.

Бундан ташқари, коррупция сабабларини бартараф қилиш ишига зиён етказган ҳолда коррупцияга қарши курашга берилиб кетиши маъмурий тизимни мослашувчанликдан, аҳолини эса фуқаролик эркинликлардан маҳрум этиши мумкин. Ҳукмрон гурухлар жамият устидан назоратни кучайтириш ва сиёсий рақибларни таъқиб қилиш учун жазолашга оид қонунчиликдан фойдаланиши мумкин.<sup>31</sup>

## ХАЛҚАРО САВДО

Коррупция халқаро савдога кўп миллиардли зиён етказади. Айнан шу сўнгги йилларда халқаро савдо муаммосига қизиқишининг ўсиши сабабларидан бирига айланди. Хусусан, америкалик экспортчи фирмаларнинг таъкидлашича, улар кўпинча қонунга кўра чет эллик амалдорларга пора бера олмаслиги сабабли катта фойда ваъда қиладиган шартномаларни ютқазади. Аксинча, EXXT мамлакатларининг кўпчилигига хорижий ҳамкорларга пора бериш нафақат тақиқланган, балки солиқларни тўлашда даромаддан чиқариб ташланиши мумкин бўлган. Масалан, немис корпорацияларида бундай харажатлар йилига тахмиан 5,6 млрд долл. ташкил қилган<sup>32</sup>. Вазият 1997 йилнинг охирида, EXXT «Халқаро ишбилармонлик операцияларини амалга оширишда хорижий давлат мансабдор шахсларига пора беришга қарши кураш Конвенцияси» имзолаган пайтдан бошлаб кескин ўзгарди. Конвенцияни ижро этиш мақсадларида кейинги йилларда миллий компанияларнинг бирон-бир кимсага пора беришини тақиқлайдиган қонунлар қабул қилинди.

## КОРРУПЦИЯ САБАБЛАРИ

### Фундаментал зиддият

Ҳар қандай неъматлар ишлаб чиқариш бу неъматлар истеъмолчиларидан олинадиги маблағлар билан ўрни тўлдириладиган маълум бир ресурслар сарфини талаб қиласди. Хизматчиларнинг иш ҳақи якуний ҳисобда истеъмол

<sup>30</sup> Книги. Ю. В. Латов

<sup>31</sup> Rose-Ackerman S. The Political Economy of Corruption // Corruption and the global economy / Ed. Elliott K. A. — Washington, DC: Institute for International Economics. — 1997. — P. 31.

<sup>32</sup> Заграевский С. В. О возможных способах борьбы с коррупцией в России

ҳисобига қопланадиган харажатлар қаторига киради, лекин уларнинг фаолияти иш берувчи ва раҳбариятнинг ихтиёри билан белгиланади. Бу шундай вазиятга олиб келадики, бунда истеъмолчи хизматчидан зарур товар ёки хизмат олади, лекин ушбу хизматчининг фаолиятига тўғридан-тўғри таъсир эта олмайди. Солиқлар ҳисобига тўланадиган ва давлат хизматчилари томонидан тақдим этиладиган ижтимоий неъмат эса хусусий ҳолат ҳисобланади. Амалдорлар фаолиятига амалда фуқаролар пул тўлашига қарамай, уларнинг иш берувчиси турли шахсларнинг рақобатлашувчи манфатларига алоқадор бўлган қарорларни қонун бўйича қабул қилиш ҳукуқини берадиган давлат ҳисобланади.

Бирон-бир дискрецион ҳокимлик йўқлигида коррупция бўлиши мумкин бўлмасди.<sup>33</sup> Бироқ олий ҳокимликка эга бўлган шахс ёки грух у белгилаб берадиган сиёsatни амалга оширишни мустақил таъминлашга қодир эмас. Бу мақсад учун у талаб қилинган ваколатлар берилган маъмурлар тайинлайди ва улар тасаррufига зарур ресурсларни беради, улар учун хулқ-автор қоидалари белгилаб беради ва устидан назоратни амалга оширади. Бу ерда қуйидаги муаммо вужудга келади:

1. **Қонун консервативлиги.** Амалда йўриқномалар ташки шароитлардан кўра секинроқ ўзгаради. Шу сабабли улар ўз ихтиёрича ҳаракат қилишга жой қолдиради, чунки акс ҳолд бошқарув тизими умуман мослашувчан эмас бўлиб қолади ва қатъий меъёрларнинг воқеликка мос келмаслиги ишни тўлиқ тўхтатиб қўйишга қодир бўлади. Бироқ бу шуни англатадики, қонунчиликда кўзда тутилмаган вазиятда маъмур энг катта фойда келтирадиган рентага амал қилиш бошлаши мумкин.

2. **Ҳамма нарсани қамраб оладиган назорат имкони йўқлиги.** Назорат харажатлар талаб қиласди, лекин бундан ташқари, жуда қаттиқ назорат бошқарув персонали сифатига зарбаберади ва ижодий фикрлайдиган кадрлар кетиб қолишиги сабабчи бўлади.

Шундай қилиб, бошқарув тамоили ўз-ўзидан коррупция учун потенциал имкониятдан иборатdir. Бу имконият потенциал рента рисклардан устунлик қиласдиган объектив шароитларга айланади.

Ушбу муаммо бюрократик аппаратда кўп марта акс этади, чунки олий поғонадаги маъмурлар ўзининг қўл остидаги ходимларини тайинлайди ва ҳ.к. Вакиллик демократияси амал қиласдиган тизимлар хусусияти шундаки, олий лавозимларни ҳокимлик ваколатларини халқдан олган ва кейинги сайлов пайтида йўқотиши мумкин бўлган сиёсий элита эгаллайди.

## КОРРУПЦИЯ ДАРАЖАСИ ЮҚОРИЛИГИНинг САБАЛЛАРИ

Мутахассислар кўпчилиги коррупция даражаси юқори эканлигининг асосий сабаби ички ва ташқи тийиб туриш механизмларини таъминлайдиган сиёсий институтлар мукаммал эмаслиги ҳисобланади. Бундан ташқари,

<sup>33</sup> Нижеследующий анализ опирается на модель агентов. См.: Роуз-Аккерман, С. Коррупция и государство. Причины, следствия, реформы / Пер. с англ. О. А. Алякринского. — М.: Логос, 2003.

айрим объектив ҳолатлар жиддий ҳисса қўшади деб ҳисоблаш учун барча асослар бор:

- икки маънода тушуниш мумкин бўлган қонунлар.<sup>34</sup>
- аҳолининг қонунларни билмаслиги ёки тушунмаслиги, бу мансабдор шахсларга тегишли тўловларни ошириш ёки бюрократик жраёнларни амалга оширишг тўсқинлик қилиш имконини беради.
- мамлакатдаги сиёсий вазият бекарорлиги.
- ҳукумат институтлари ўзаро алоқа қилиши учун шаклланган механизmlар йўқлиги.
- бюрократик аппарат фаолиятининг негизида ётадиган стандартлар ва тамойилларнинг бошқарувчи элита сиёсатига боғлиқлиги.
- бюрократиянинг профессионал чуқур билимларга эга эмаслиги.
- коррупция устидан назорат механизмларини заифлаштирадиган махфий битимлар шакллантиришга олиб келадиган ошна-оғайнигарчилик ва сиёсий ҳомийлик.
- ижроия ҳукумати тизимида ҳамжиҳатлик йўқлиги, яъни бир хил фаолиятнинг турли инстанциялар томонидан тартибга солиниши.
- давлат устидан назоратда фуқароларнинг иштирок этиш даражаси пастлиги.

### **Коррупция даражаси юқорилиги сабаблари ҳақида гипотезалар**

Коррупция даражаси юқорилиги сабаблари бўлиши мумкин бўлган ҳолатларга нисбатан бошқа тахминлар ҳам кўриб чиқилади:

- давлат секторида иш ҳақи даражасининг хусусий сектор билан таққослаганди пастлиги;
- иқтисодиётнинг давлат томонидан тартибга солиниши;
- фуқароларнинг амалдорларга боғлиқлиги, мълум бир хизматларга давлат монополияси;
- бюрократия элитасининг халқдан ажralиб қолганлиги;
- иқтисодий бекарорлик, инфляция;
- аҳолининг этник жиҳатдан хилма-хиллиги;<sup>35</sup>
- иқтисодий ривожланиш даражаси пастлиги (аҳоли жон бошига ЯИМ);
- диний анъаналар,<sup>36</sup>
- мамлакат маданияти.

Бугунги кунда ушбу гипотезаларни тасдиқлаш борсида яқдил бир фикр йўқ.<sup>37</sup>

<sup>34</sup> «Простое, недвусмысленное, лаконичное и понятное законодательство сокращает потребности в большом аппарате чиновников и облегчает понимание законов гражданами». (Постановление VI Всероссийского съезда судей от 02.12.04 «О состоянии правосудия в РФ и перспективе его совершенствования»).

<sup>35</sup> Shleifer, A., Vishny, R. Corruption // Quarterly Journal of Economics. — 1993. — Vol. 108, No. 3. — P. 599.

<sup>36</sup> Кўпчилик шунга эътибор қаратадики, дунёнинг коррупция энг паст ривожланган мамлакатларининг аксарияти асосан протестантлар мамлакатлари ҳисобланади.

<sup>37</sup> Lederman D, Loayza N. V., Soares R. R. Accountability and corruption: political institutions matter // Economics & Politics. — 2005. — Vol. 17, No. 1. — P. 1.

Хусусан, хусусий сектор билан таққослаганда давлат секторида иш ҳақининг оширилиши коррупциянинг зудлик билн пасайишига олиб келмйди. Бошқа томондан, бу бюрократиянинг малакавий даражасини астасекинлик билан оширишга олиб келади ва узоқ муддатли истиқболда ижобий самарага эга бўлади. Коррупция даражаси энг паст бўлган мамлакатларда амалдорлар иш ҳақи ишлаб чиқариш секторидаги иш ҳақидан 3-7 баравар ортиқдир.

Бозорнинг давлат томонидан тартибга солиниши ва давлатнинг монополиячи сифатидаги роли энг тортишувли масалалардан бири саналади. Эркин бозор тарафдорларининг кўрсатишича, давлатнинг роли пасайиши ва рақобатнинг ўсиши коррупциянинг пасайишига хизмат қилади, чунки шу тариқа зарур дискрецион ҳокимлик ваколатлари ҳажми псаяди ва протекцион тартибга солиш воситасида бозорда устунлик ҳолатига эришиш имкониятлари, демак, рента излаб топиш учун имкониятлар қисқаради. Дарҳақиқат, коррупция даражаси паст бўлган барча мамлакатлар учун нисбатане эркин иқтисодиёт хосдир. Аксинча, амалдорлар монопол ҳокимлиги ва нархларни бозор даражасидан паст ушлаб туриш билан тавсифланадиган режали иқтисодиёт тақчил ва камёб товарлар ва хизматлар олиш воситаси сифатида порахўрлик учун стимуллар юзага келтиради.<sup>38</sup>

Шунингдек, мазкур далилга қарши бир қатор эътиrozлар ҳам бор. Биринчидан, хусусий сектор доим ҳамма муаммони қониқарли ҳал қилиш йўлини таклиф этишга қодир бўлмайди ва бундай ҳолатларда кўпчилик одамлар давлатнинг аралашувини ўринли деб ҳисоблайди. Бу, ўз навбатида, виждонсиз назорат қилиш ва давлат рентаси тўплаш учун шарт-шароитлар яратади. Шундай қилиб, коррупциядан тўлиқ ҳалос бўлишнинг ҳаттоқи очик иқтисодиётда ҳам имкони бўлмайди. Иккинчидан, иқтисодий эркинлаштириш жараёни ҳукумат томонидан амалга оширилади ва шу сабабли моҳиятан иқтисодиётга фаол аралашув ҳисобланади (у қўшимча равишда хусусийлаштиришда коррупция ёрдамида бойиб кетиш манбалари яратиш билан биргаликда кузатилади). Шу сабабли амалиётда эркинлаштиришнинг бошланғич даври кўпинча қарама-қарши самара – коррупциянинг авж олиши билан тавсифланади.<sup>39</sup> Учинчидан, тадқиқотлар либерал-демократик сиёсий тизимда коррупция даражасининг мамлакат раҳбарияти неолиберал ёки ижтимоий-демократик мафкурага амл қилишига боғлиқ эмаслигини кўрсатади.<sup>40</sup> Боз устига, коррупция даражаси паст бўлган кўплаб мамлакатларда (Канада, Нидерландия, Скандинавия) соликлар ва давлат харажатлари нисбатан каттадир.

## КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ

<sup>38</sup> Shleifer A., Vishny R. Pervasive shortages under socialism // RAND Journal of Economics. — 1992. — Vol. 23, No. 2 — P. 237.

<sup>39</sup> Weyland K. The politics of corruption in Latin America // Journal of Democracy. — 1998. — Vol. 9, No. 2. — P. 108.

<sup>40</sup> Kaufmann D. Research on corruption: critical empirical issues // Economics of corruption / ed. Jain A. K. — Mass.: Kluwer. — 1998. — P. 129.

Коррупция мавжудлигини идрок қилиш жаҳон харитаси, 2005 й. тўқ сариқ ранг уларнинг ахолиси рақобат даражаси юқори деб ҳисоблайдиган мамлакатларга, яшил ранг эса – коррупция даражаси паст деб ҳисоблайдиган мамлакатларга мос келади.

Ҳозирги кунда педагогика ва менежментда инсон идеал амалдор бўлишини кафолатлайдиган усуллар маълум. Бироқ коррупция даражаси жуда паст бўлган кўплаб мамлакатлар мавжуд. Бундан ташқари, тарихдан коррупция даражасини пасайтиришга қаратилган ҳаракатлар катта муваффақиятга олиб келган мисоллар маълум: Сингапур, Гонконг, Португалия, Швеция. Бу эса коррупцияга қарши кураш усуллари мавжуд эканлиги фойдасига хизмат қилади.

Расмий нуқтаи назардан, агар давлат бўлмаса – коррупция ҳам бўлмайди. Давлатнинг кўплаб функциялари жиддий асосларга эга бўлиб, тугатилиши мумкин эмас: масалан, барча солиқларни бекор қилиш йўли билан солиқ органларида коррупцияга қарши курашиб бўлмайди.<sup>41</sup> Лекиши шунга қарамай, коррупция деярли ҳар бир жойда кенг тарқалган шароитларда коррупцион ҳукумат органларини тарқатиб юбориш ундан халос бўлишнинг энг амалий натижага берадиган кескин усулларидан ҳисобланади.

Ҳукумат органларини тарқатиб юборишдан ташқари, коррупцияни пасайтиришнинг учта ёндашуви мавжуд.<sup>42</sup> Биринчидан, қонунлар ва уларни ижро этиш талабчанлигини ошириш, шу тариқа, жазолаш рискини ошириш мумкин. Иккинчидан, мансабдор шахсларга қонун ва қоидаларни бузмаган ҳолда ўз даромадларини ошириш имконини берадиган иқтисодий механизмлар яратиш мумкин. Учинчидан, бозорлар ва рақобатнинг ролини кучайтириш, шу тариқа коррупциядан потенциал фойда олиш ҳажмини пасайтириш мумкин. Бу қаторга, шунингдек, айрим давлат органларининг бошқа органлар функцияларини такрорлаши шартларида давлат хизматлари тақдим этишдаги рақобат ҳам киради. Ўзини ижобий жиҳатдан кўрсатган усулларнинг аксарияти ички ёки ташки назорат механизмлари қаторига киради.

## Ички назорат

Бу қаторга бошқарув аппаратининг ўзида мавжуд бўлган ички механизмлар ва стимуллар: мансабдор шахсларнинг ўз мажбуриятларини ижро этиши борасида аниқ стандартлар ва ҳар бир хизматчи устидан қаттиқ назорат киради. Назоратни таъминлаш мақсадида мустақил равишда фаолият юритадиган махсус бошқарув ажратиб кўрсатилади. Масалан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, худди бюрократик аппарат каби, кўпинча ижроия ҳукумати бошлиғига бўйсунади, лекин бунда сезиларли даражада мустақилликни сақлаб қолади.

<sup>41</sup> Rose-Ackerman S. The Political Economy of Corruption // Corruption and the global economy / Ed. Elliott K. A. — Washington, DC: Institute for International Economics. — 1997. — P. 31.

<sup>42</sup> Ades A., Di Tella R. The new economics of corruption: a survey and some new results // Political Studies. — 1997. — Vol. 45, No. 3. — P. 496.

Ички назорат чекланмаган монархия даврида коррупцияга қарши курашнинг асосий усули бўлган ва ҳозиргача самарадорлик даражаси юқори эканлигини сақлаб келмоқда. Хусусан, Макиавеллининг фикрига қўра, «хизматкорлар ёрдамида хукмронлик қиласиган» монархияларда коррупция унчалик хавфли эмас, чунки барча «хизматкорлар» подшоҳнинг марҳаматлари олдида миннатдор бўлиб. Уларни пора бериб сотиб олиш қийин бўлади.

## Ташқи назорат

Бу қаторга ижроия ҳукуматидан мустақиллик даражаси юқори бўлган механизmlар киради. Коррупцияга қарши кураш ҳақида БМТ Конвенциясида бир қатор шундай механизmlар келтирилган. Қонуни бузган бюрократ осонлик билан ва самарали тарзда айбор деб тан олиниши мумкин бўлган мустақил суд тизими коррупциянинг потенциал жалб этувчанлигини кескин пасайтиради. ОАВ ва сўз эркинлиги бюрократик аппарат коррупцияси устидан назоратнинг энг самарали воситаларидан саналади.<sup>43</sup>

Ташқи назорат либерал демократия ва бозор иқтисодиёти амал қиласиган мамлакатлар учун хосдир. Тахминларга қўра, бу бозорнинг нормал фаолият юритиши учун мажбуриятлар ижросини таъминлашнинг аниқ қоидлари ва механизmlари, жумладан, соғлом рақобат муҳитини таъминлайдиган самарали ҳукуқ тизими зарур эканлиши билан боғлиқ.<sup>44</sup> Либерал демократия ўз мақсадларига эришиш учун шунингдек, сайловлар тизимиға, ҳар қандай давлатга, мустақил одил судга, ҳукуматлар тақсимланишига, «харажатлар ва посанги» тизимиға ҳам таянади. Бу сисий институтларнинг барчаси бир вақтнинг ўзида коррупция устидан ташқи назорат механизmlари бўлиб хизмат қиласиди.

Бироқ либерал демократиянинг ҳамма қоидлари ҳам коррупцияга қарши курашга узил-кесил хизмат қилмайди. Бунга мисол бўлиб ҳокимликни тақсимлаш тамойили хизмат қилиши мумкин. Ҳокимликни горизонтал бўйича тақсимлаш улар бир-биринининг устидан назорат қилишини рағбатлантиради. Масалан, парламент демократиясида вакиллик ҳукумати ҳукуматни истеъфога чиқариш ваколатларига эга. Бошқа томондан, президент демократиясида ҳукумат тармоқлари функционал жиҳатдан янада тақсимланган бўлади. Лекин шунга қраамай, президент республикаларида коррупция парламент республикаларидан юқорироқ бўлиб, бу эҳтимол, президентга импичмент эълон қилиш жараёнининг сермашаққат эканлиги билан боғлиқ.<sup>45</sup> Энди, ҳокимликни ҳукуқий даражада бўйича тақсимлаш ва бу билан боғлиқ ҳолда ижроия ҳукумати ваколатларининг катта қисмини маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш оргнлариг беиш ҳукумат органлари

<sup>43</sup> Brunetti A., Weder B. A free press is bad news for corruption // Journal of Public Economics. — 2003. — Vol. 87. — P. 1801.

<sup>44</sup> Бродман Г., Риканатини Ф. Корни коррупции: важны ли рыночные институты? / Пер. с англ. // World Bank Policy Research Working Paper 2368. — 2000.

<sup>45</sup> Lederman D, Loayza N. V., Soares R. R. Accountability and corruption: political institutions matter // Economics & Politics. — 2005.

ҳажмининг самарали кичрайишига олиб келади. Бу ҳукуматнинг ахборот шаффоғлигини оширади ва коррупцияни пасайтиради. Лекин шунга қарамай, максимал номарказлашувни таъминлайдиган федератив давлат тузуми қўпинча амалдорлар бир хил фаолиятининг турли жиҳатларини турли инстанциялар томонидан тартибга солишга, бинобрин, унитар давлатлар билан таққослаганда коррупция даражасини қучлироқ бўлишига олиб келади.<sup>46</sup>

## САЙЛОВЛАР ТИЗИМИ

Демократик мамлакатларда сайланган вакилларни коррупция учун жазолашнинг асосий усули уларни кейинги сайловларда ҳокимликдан четлатиш ҳисобланади. Бу сайловчининг ўзи у сайлайдиган шахслар ҳалоллиги ва жавобгрлиги учун жавоб беришини англатади. Коррупцияга қарши кураш воситаси сифатида самарадорлик юқори эканлигига қарамай, уларнинг таъсири жуда сеин намоён бўлади. Баркарор демократик тизимнинг ҳар 30 йили коррупцияга бошқарувнинг либерал-демократик моделига ўтиш билан бир хил самара беради.<sup>47</sup>

Бир қатор муаллифлар сайлов жараёнларидағи камчиликлар коррупция кўламига жиддий таъсир этади деган тахминни илгари сурғанлар. Ҳаттоқи сайловлар қоидабузарликларсиз ўтган бўлса ҳам, сайловлар тизими сайловчининг у ёки бу номзоднинг шахсан, қўл остидаги ходимлари ёки бутун партияси коррупцияга берилганлигига эътибор бермган ҳолда, мафкуравий сабабларга кўра унинг учун овоз беришини рағбатлантириши мумкин. Бундай гипотеза ўз тасдиғини топган.<sup>48</sup> Ҳар бир сайлов округида мажоритар тизим бўйича бир нечта вакил сайланадиган мамлакатд коррупция сайловлар пропорционал тизим бўйича ва ёпиқ партия рўйхатлари бўйича амалга ошириладиган мамлакатлар ёки сайлов округлари кичкина ва ҳар бир округда битта вакил сайланадиган мамлакатлар билан таққослаганда анча кичик бўлиб чиқади. Буни эса шу билан изоҳлаш мумкинки, мажоритар тизим энг катта индивидуал ҳисботлар беришни таъминлайди, бир нечта вакилларни ёки очиқ партия рўйхатлари бўйича сайлов эса сайловчилар номзодлар ҳалоллигиг қаратадиган эътиборни сезиларли даражада оширади.

## УМУМИЙ ХАРАКТЕРДАГИ ЧОРА-ТАДБИРЛАР

Юқорида айтиб ўтилган коррупциянинг йўлдош сабаблари бартараф қилиниши коррупцияга қарши чора-тадбирларга ҳам тааллукли.

**Коррупциоген меъёрларининг конституциявий эмаслиги.** Фуқарога чекловлар юклайдиган ҳар қандай чора-тадбирлар, инсоннинг конституцияда

<sup>46</sup> Lederman D., Loayza N. V., Soares R. R. Accountability and corruption: political institutions matter // Economics & Politics. — 2005. — Vol. 17, No. 1. — P. 1.

<sup>47</sup> Lederman D., Loayza N. V., Soares R. R. Accountability and corruption: political institutions matter // Economics & Politics. — 2005. — Vol. 17, No. 1. — P. 1.

<sup>48</sup> Persson T., Tabellini G., Trebbi F. Electoral rules and corruption // Journal of the European Economic Association. — 2003. — Vol. 1, No. 4. — P. 958.

белгилаб қўйилган ҳуқуқлари ва эркинликларини тавсифлайдиган меъёрларни истисно қилганда, коррупцияга олиб келиши мумкин. Буларнинг кейингилари шхслардан кўра кўпроқ давлат ҳукуматио органларига чекловлар ўрнатади, чунки қонун талабларининг оширилишига қарши ҳам, давлат ҳукумати органларига дискремион ваколатлар берилишига қарши ҳам институционал кафолатлар ҳисобланади.<sup>49</sup> Коррупциоген меъёрлар эса инсон ва фуқаронинг Конституцияда белгилаб қўйилгн ҳуқуқ ва эркинликларини бузиши муқаррар.

**Фуқароларнинг ахборот билан таъминланганлиги.** Мазкур усул қонунларни таҳлил қилиб чиқсан ҳолда фуқароларга уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари нималардан иборат эканлигини, қайси қоидабузарликлар қандай жазоларга олиб келишини, суд жараёнлари қандай ўтиши ва уларда нималар ҳисобга олинишини қисқа, аниқ ва лўнда тушунтириб бериш мақсадида қонунларни таҳлил қилишни ўз ичига олади. Буларнинг барчасини билган ҳолда, фуқаролар уларни пора беришга ундайдиган амалдорлар билан юзма-юз қолган ҳолларда ишончлироқ тутади.

**Идора тизимлари очиқлиги.** Идоралар ва ташкилотлар ичида рўй берадиган операциялар шаффофлиги ва тегишлича фуқаролик назорати ички идора ҳужжатларини ҳамма учун очиқ бўлган интернет тармоғида чоп этиш ва очиқ муҳокама қилиш орқали амалга оширилиши мумкин бўлиб, бу коррупциянинг тамал тошларига жиддий зарба беришга қодир. Бироқ бундай механизмлар тижорат сирларини ҳимоя қилиш бўйича ўта қатъий меъёрлар билан чегараланган ёки уларнинг қўлланиши айrim идораларда фуқароларнинг шахсий маълумотларини ҳимоя қилиш ва мудофаа ташкилотлари ва идораларида махфий маълумотларни ҳимоя қилиш бўйича қўшимча чора-тадбирларни таъминлаш зарурати билан боғлиқ. Очиқ ахборот тизимларини татбиқ этишда эркин лицензиялар афзалликларидан хабардор эмасликдан ташқари давлат шартномаларига солиқ тўловчилар ҳисобига ишлаб чиқиладиган дастурий маҳсулотлар вариантларини бошқариш тизимлариг ўқиш учун очиқ уланишни мажбурий тақдим этиш ҳақидаги талабларни киритишга қодир бўлмаган амалдорларнинг чукур билимга эгалик даражаси пастлиги жиддий муаммо ҳисобланади.

**Амалдорлар ижтимоий таъминоти.** Юқори сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, кўчмас мулк харид қилиш учун фоизсиз кредитлар – буларнинг барчаси давлат секторида иш ҳақини ошириш билан тенг кучли бўлиб, бинобарин, амалдор коррупция фаолияти билан қўлга тушган ҳолларда унинг йўқотишилари даражасини оширади. Тадқиқотларга кўра, бу чора коррупцияга зудлик билан таъсир этмайди, лекин вақт ўтиши билан бюрократия сифатини оширишга хизмат қиласи.

## ОБЪЕКТИВ ҚИЙИНЧИЛИКЛАР

<sup>49</sup> Головщинский К. И. Диагностика коррупционной законодательства. / Под ред. Г. А. Сатарова и М. А. Краснова.

Коррупцияга қарши курашда муаммонинг моҳиятини Джеймс Мэдисон ифодалаб берган: «Агар одамларга фаришталар ҳукмронлик қилганида эди, ҳукумат устидан – на ички ва на ташқи – назоратга ҳеч қандай эҳтиёж бўлмаган бўларди. Лекин одамлар одамларни идора қиласиган бошқарув ташкил қилишда асосий қийинчилик шундан иборатки, биринчи навбтада бошқариладиган шахслар устидан назорат қилиш имкониятини таъминлаш керак, ундан кейин бошқарувчилар ўзининг устидан назорат ўрнатишига мажбур қилиш зарур» («Федералист», № 51).

Коррупцияни тийиб туриш учун энг муҳим омиллардан бири жиноят ҳақидаги қоидалар ҳисобланади. Амалиётда – фуқаролар эркинликлари ва оппозицияни тийиш мақсадида қонунчиликни танланма қўллаш рискини истисно қилиш учун аксарият мамлакатларда қонунлар қаттий жиноятлар ҳисобланган коррупция турларини талқин қилишга нисбатан тор доиралар белгилайди. Шу сабабли, масалан, совға фақат мансабдор шахсга таъсир этиш истаги бўлган ҳолдгина пора деб ҳисобланиши мумкин. Агар мансабдор шахсга қонун бўйича совға қабул қилиш умуман тақиқланган бўлмаса, пора мавжуд эканлиги ҳолатини исботлаш, қоидага кўра, қийин бўлади. Аксинча, пул ёки мол-сулкни қонунга хилоф равишда сарф этиш (растратаси) кўпинча хизматчининг маблағларни ўзлаштириш истаги бор ёки йўқ эканлигидан қатъи назар, зиён етказилган ҳолларда исботланган деб ҳисобланади.

Бошқа бир, айниқса, аксарият хусусий шахслар пора берадиган кенг кўламли коррупцияда намоён бўладиган қийинчилик психологияда ва ўйинлар назариясида «маҳбус дилеммаси» сифатида машхур. Бир томондан, агар барча шахслар пора беришни тўхтатиб қўйса, уларнинг ҳаммаси бундай ютуққа эга бўлади. Бироқ агар ҳеч бўлмаса битта шахс порадан воз кечадиган бўлса, у ўзини ўта ноқулай шароитга қўйиб қўяди.

Ва ниҳоят, юқорида айтиб ўтилган коррупция бозорлари баркарорлиги жиддий муаммо ҳисобланади.

## КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШНИНГ СИНГАПУРЧА СТРАТЕГИЯСИ

Коррупцияга қарши курашнинг сингапурча стратегияси қаттиқўллик ва изчиллик билан ажralиб туради ва «коррупция устидан назорат мантиқи»га асосланади: «коррупцияни таг томири билан йўқ қилишга қаратилган ҳаракатлар шахснинг порахўрлик билан боғлиқ ҳаракатлар амалга оширишга мойиллик имкониятини ҳам, стимулини ҳам яратадиган шарт-шаротиларни минимал қилиш ёки истисно қилишга интилишига асосланган бўлиши лозим».<sup>50</sup>

Мустақилликни қўлган киритган 1965 йилда Сингапур коррупция даражаси жуда юқори бўлган мамлакат ҳисобланарди. Коррупцияни пасайтириш тактикаси бир қатор вертикал чора-тадбирларга: амалдорлар

<sup>50</sup> ВЦИОП — Сингапурская стратегия борьбы с коррупцией

ҳаракатларини тартибга солишга, бюрократик жараёнларни соддалаштиришга, юқори одоб-ахлоқ стандартларынга риоя қилиниши устидан қаттиқ назоратга асосланган. Унинг марказий бўғинига айланган коррупция ҳолатларини тергов қилиш бўйича мустақил Бюрога фуқаролар давлат хизматчилари устидан арз қилиш ва етказилган зиённи қоплашни талаб қилиб мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлган. Шу билан бир пайтда қонунчилик талаблари кучайтирилди, суд тизими мустақиллиги оширилди (юқори иш ҳақи ва имтиёзли мақом берилган ҳолда), пора берганлик ёки коррупцияга қарши тергов ишларида иштирок этишдан бош тортганлик учун иқтисодий жарима чоралари жорий қилинди, шунингдек, божхона ходимлари ва бошқа давлат хизматчиларига нисбатан ёппасига ишдан бўшатишга қадар бўлган қаттиқ чоралар кўрилди. Бу иқтисодиётни қайта тартибга солиш, амалдорлар иш ҳақини ошириш ва юқори малакали маъмурият кадрлари тайёрлаш билан уйғунлашди.

Ҳозирги пайтда Сингапур коррупция йўқлиги, иқтисодий ээркинлик ва тараққиёт борасида дунёда етакчи ўринлардан бирини эгаллайди.

## **КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШНИНГ ФИНЧА СТРАТЕГИЯСИ**

Коррупцияга қарши курашнинг финча стратегиясига хос бўлган хусусият корпорация ҳақида маҳсус қонун йўқлиги ҳисобланади.<sup>51</sup> Коррупция қаттиқ жиноят турларидан бири сифатида кўриб чиқилган ва қонунчилик, меъёрлар ва бошқа назорат тизимларининг барча даражаларида тартибга солинган.<sup>52</sup> Амалдорларнинг пора олганлик учун нисбатан юмшоқ – жарима тўлашдан тўрт йил қамоқ жазосига хукм қилинишигача жазо белгиланиши Финляндияга хос бўлган хусусият ҳисобланади.<sup>53</sup> Урушдан кейинги даврда илгари жуда юқори бўлган прохўрлик даражасининг кескин пасайиши рўй берди – 1945-1954 йилларда пора олганлик учун 549 киши жазоланган бўлса, 1980-1989 йилларда чиқарилган бундай ҳукмлар сони 81 тани, 1990-йилларда эса 38 тани ташкил қилди.<sup>54</sup> 1990-йиллардан бошлаб Финляндияда халқаро воситалар фойдаланила бошлади – 1997 йилги Коррупцияга қарши кураш ЕИ Конвенцияси, 1998 йилги порахўрликка қарши кураш ИХТТ Конвенцияси, Европа Кенгашининг коррупция билан боғлиқ бўлган жиноий ва фуқаролик ҳуқуқи бўйича конвенцияси, 2003 йил декабрда Мехикода қабул қилинган коррупцияга қарши БМТ Конвенцияси ратификация қилинди.<sup>55</sup>

## **КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШНИНГ ШВЕДЧА СТРАТЕГИЯСИ**

<sup>51</sup> <http://www.ieras.ru/pub/monografii/seu.pdf>

<sup>52</sup> <http://www.ieras.ru/pub/monografii/seu.pdf>

<sup>53</sup> <http://www.ieras.ru/pub/monografii/seu.pdf>

<sup>54</sup> <http://www.ieras.ru/pub/monografii/seu.pdf>

XIX аср ўрталарига қадар Швецияда коррупция гуллаб-яшнаган. Меркантилизмни бартараф қилишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи мамлакатни модернизация қилишнинг оқибатларидан бири бўлди. Шу пайтдан бошлаб давлат томонидан тартибга солиш фирмалардан кўра кўпроқ уй хўжаликлари билан боғлиқ бўлган ҳамда тақиқлаш ва рухсат беришдан кўра стимулларга асосланган (солиқлар, имтиёзлар ва субсидиялар орқали). Ички давлат хужжатларига уланиш имконияти очилган ҳамда мустақил ва самарали одил суд тизими барпо этилган. Шу билан бир пайтда Швеция парламенти ва ҳукумати маъмурият ходимлари учун юқори ахлоқий стандартлар ўрнатди ва уларни ижро қилишга эришишга интила бошлади. атиги бир неча йилдан сўнг ҳалоллик бюрократия орасида ижтимоий меъёрга айланди. Юқори мансабдаги амалдорлар маоши дастлаб оддий ишчиларнинг иш ҳақидан 12-15 баравар катта бўлган, лекин вақт ўтиши билан бу фарқ икки бараваргача пасайган.<sup>56</sup> Ҳозирги кунда Швеция аввалгидек, дунё бўйича коррупция кўрсаткичи энг паст бўлган мамлакатлардан бири ҳисобланади.

## КОРРУПЦИЯНИ ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ


Агар пора ҳажмини ўғирланган сумманинг пулдаги ифодаси билан таққослаш осон бўлса, субъектларнинг жазолашдан йўқотишлари учун муқобил харажатлар – жиноятчи қамоқда ўтказадиган йиллар сонининг у қамоқда ўтириши учун сарфланадиган харажатлар ва унинг эҳтимолий ўртacha йиллик даромади ўртасидаги фарққа кўпайтмасини ҳисобга олишга тўғри келади. Шунингдек, қўлга тушган жиноятчининг жамиятдаги вазни пасайиши салбий ижтимоий оқибатлари ва унинг эҳтимолий даромадлари пасайишини ҳисобга олиш мумкин.

### Коррупцияли иқтисодиётда ресурсларни тақсимлаш модели



$Q$  — давлат товари,  $MR$  — энг юқори даромад.

<sup>56</sup> Новости за 03.02.1999 // Polit.Ru



Пора талаб қилиш давлат хизматлари сонининг пасайишига олиб келади.

Идора хусусий шахслар томонидан  $D(P)$  талаб эгри чизиги билан бир хил турдаги маҳсулот ишлаб чиқарадиган модель.<sup>57</sup> Товар (хизмат) сотилаётган товар микдорига таъсир этиш имкониятига эга бўлган амалдор томонидан сотилади. У ҳар қандай шахсга товар тақдим этишини ўзи учун ҳеч қандай жазолаш рискисиз шунчаки рад қилиши мумкин.

Амалдорнинг мақсади – у расмий нархи  $P$  га teng, унинг учун давлат пул тўлаши сабабли амалдор учун ҳеч қандай ишлаб чиқариш харажатлари бўлмайдиган давлат товарини сотишдан тўплайдиган поралар ҳажмини максимал қилиш. Йкки ҳил ҳолат бўлиши мумкин – ўғрилик билан ва ўғриликсиз, амалдор учун  $MC$  (ингл. *marginal cost*) энг юқори харажатлар шунга боғлиқ бўлади.

Агар хизматчи фуқаролардан бундан товарнинг расмий нархини давлатга топширадиган маълум микдордаги пул оладиган бўлса, бунда  $MC$  кўрсаткичи  $P$  на teng бўлади. Агар у давлатга ҳеч нарса топширмайдиган ва фуқаролардан олинган барча пулларни ўз чўнтағига урадиган бўлса, унинг учун  $MC$  нолга teng бўлади ва фуқаро фақат пора тўлайди, холос. Ҳар бир кишига ўз нархини белгилаган ҳолда фуқароларни дискриминация қила олмайди ва шу сабабли монополиячи сифатида ҳаракат қиласди.

Ушбу моделга мувофиқ, коррупция энг аввало амалдорлар ўртасида рақобат оқидатида кенг тарқалади, чунки энг жалб этувчан лавозимлар улар учун энг катта нарх тўлаши мумкин бўлган шахсларга тегади, бу эса пора тўплашни рағбатлантиради. Ўғрилик билан коррупция ҳолатида коррупция тарқалиши иккита омил билан тезлатилади. Биринчидан, амалдорлар бюджет маблағлари учун рақобат қиласди. Иккинчидан, давлат хизматлари истеъмолчилари учун амалдор билан тил бириктириш учун пора харажатлари солиқ ёки бождан камроқ бўлади ва шу сабабли пора берувчилар бозорда уларнинг қонунга риоя қилувчи рақобатчиларидан кўра яхшироқ позицияга эга бўлади.

<sup>57</sup> Shleifer, A., Vishny, R. Corruption // Quarterly Journal of Economics. — 1993. — Vol. 108, No. 3. — P. 599.

Коррупцияга қарши кураш нүқтаи назаридан ушбу ҳолатда ўғриликни қийинлаштииш мақсадида қатъий ҳисоб жорий қилиш кифоя. Ўғриликсиз коррупцияга ўтиш, нрафиклардан кўриниб турганидек, порала сонини камайтиради.

Шу билан бирга, модель муаллифларининг таъкидлашича, у асосан авторитар режимларда ва ривожланмаган бозорларда қўлланиши мумкин. Очиқ иқтисодиётли мамлакатларда рақобат тескари – коррупцияни тийиб турадиган таъсир кўрсатади. Агар турли идоралар бир хил хизматлар тақдим этадиган бўлса, истеъмолчида танлов имконияти пайдо бўлади ва пора талаб қилиш даражаси пасаяди. Хусусий фирмалар пора берувчи рақобатчилар ҳақида ҳукуқни муҳофаза қилиш органларига хабар етказади. Демократик режимларда сиёсий элиталар ўртасида рақобат ҳукumatни янада шаффофорқ қиласади.

## ПРИНЦИПАЛ-АГЕНТ НАЗАРИЯСИ

Принципал-агент назарияси кафил («принципал») ижрочилар («агентлар») ҳаракатлари ҳақида барча ахборотларга тўлиқ эга бўлмаган вазиятни кўриб чиқади. Шу сабабли улар билан агентлар учун фойдали бўлган шартлардан иборат, уларни принципал манфаатларидағи хулқ-атворга (асосан мижозларга хизматлар тақдим этишга) мотивация қиласадиган шартнома тузади. Агентлар моделининг асосий фойдалари – маҳсус атамалардан фойдаланмаган ҳолда – фундаментлар қарама-қаршиликлар бўлимида баён қилинган.

Ушбу модель шунингдек, турли гурухлар томонидан таъсирга учрайдиган элиталар хулқ-атворини тадқиқ этиш учун ҳам қўлланади. Коррупция деганда бу гурухлар манфаатларининг сайловчилар манфаатлари билан тўқнашуви тушунилади: сайланадиган вакиллар (агентлар) билан жамоат шартномаси тузадиган бутун миллат принципал ҳисобланади. Таҳлилнинг кўрсатишича, сайлочилар қанчалик кўп ахборотдан хабардор бўлса, вакилларда коррупция учун шунчалик кам имконият бўлади. Ўз томонидан, вакиллар уларга такрорий сайланишни таъминлайдиган ва бунда уларга шахсий даромадарини оширишга имкон берадиган сиёсат юритишга интилади. Коррупция учун имкониятлар яратадиган қарорга мисол мудофаага ажратиладиган бюджет маблағларини кўпайтириш ҳисобланади, чунки бу қарор сиёсат томонидан ҳам, турли гурухларнинг иқтисодий манфаатлари томонидан ҳам белгилаб берилади.

## РОССИЯДА КОРРУПЦИЯ

1999 йилнинг бошида Россия Бош прокурориннинг муовини Ю. Я. Чайка маълум қилдики, Россия дунёning коррупция энг ривожланган ўнта мамлакати қаторига киради ва коррупция Россия давлатида энг деструктив (вайрон қиласадиган) кучлардан бири ҳисобланади. 1999 йил РФА академиги

Д. С. Львов ва иқтисодиёт фанлари доктори Ю. В. Овсиенко Россияда коррупцияни «тотал» деб баҳоладилар.<sup>58</sup>

2006 йил Россия Федерацияси Бош прокурорининг биринчи мувини Александр Буксман баёнот беришича, айрим эксперталар баҳоларига кўра, Россияда коррупция бозори ҳажми 240 млрд АҚШ долларидан ортиқни ташкил қиласди.<sup>59</sup> ИНДЕМ фондининг баҳоларига кўра, бу кўрсаткич янада юқори: коррупция ҳажми фақат ишбилармонлик соҳасининг ўзида 2001 ва 2005 йиллар оралиғида 33 млрд доллардан таҳминан 316 млрд долларгача ўси (бизнес-элита ва федерал миқёсдаги сиёсатчилар даражасидаги коррупцияни ҳисобга олмаган ҳолда).<sup>60</sup> Худди шу фонднинг баҳолашича, россиялик ишбилармонлар амалдорларга берадиган пора ўртача даражаси шу давр мобайнида 10 минг доллардан 136 минг долларгача ўсан.<sup>61</sup>

2000 йил «Transparency International» ташкилоти томонидан тузиладиган коррупцияни қабул қилиш индекси кўрсаткичи 2,6 га (10 дан), 2009 йил эса 2,2 га тенг бўлган (бу кўрсаткич қанчалик юқори бўлса, коррупция даражаси шунчалик паст бўлади).<sup>62</sup> The New York Times таъкидлашича, Россиядан капитал олиб чиқиш, ёки инвестицион имкониятлар ва муомаладан катта миқдордаги пул олиб чиқишининг асосий муаммоси бу – коррупция.<sup>63</sup>

2007 йил Россия Миллий коррупцияга қарши қўмитаси Раиси Кирилл Кабанов баёнот беришича, Россияда коррупцияга қарши ҳеч қандай кураш мавжуд эмас: ўрта бўғин амалдорларини ҳибсга олиш пораҳурлик тизимиға ҳеч қандай таъсир этмайди, коррупцияга қарши ҳаракат бўйича сиёсат ишлаб чиқилмаган.<sup>64</sup> <sup>65</sup>

Transparency International ташкилоти томонидан ҳар йили тузиладиган дунё мамлакатларида коррупцияни қабул қилиш рейтингида Россия 2010 йилда 180 мамлакат ичida 2,1 балл билан 154-ўринни эгаллади (0 индекс коррупция даражаси максимал эканлигини, 10 эса – коррупция йўқлигини англатади). Transparency International ташкилотининг Россиядаги бўлинмаси бош директори Елена Панфилованинг қайд этишича: «Ўтган йили Россия ушбу рейтингда 146-ўринни эгаллаган. Хулоса – бир йил ичida рейтинг бўйича кўшнилар – Папуа-Янги Гвинея, Кения, Лаос ва Тожикистонни истисно қилганда бизда ҳеч нарса ўзгармади».<sup>66</sup>

Таъкидлаш жоизки, кўплаб мақолалар ва баҳс-мунозараларда ушбу индексни номини ёдга олишда «қабул қилиш» (Perception) сўзини тушириб қолдириш қабул қилинган, бунинг натижасида индекс коррупция соҳасидаги реал вазиятни акс эттириши ҳақида ёлғон таассурот яратилади, аслида эса бу

<sup>58</sup> Д. С. Львов, Ю. В. Овсиенко «Об основных направлениях социально-экономических преобразований» // Экономическая наука современной России. 1999. № 3. С. 99-114.

<sup>59</sup> А. Шаров Ни дать, ни взять. Генпрокуратура начала новое наступление на коррумпированных чиновников «Российская газета» Федеральный выпуск № 4215 от 7 ноября 2006 г.

<sup>60</sup> Исследование фонда ИНДЕМ «Диагностика российской коррупции 2005»

<sup>61</sup> Исследование фонда ИНДЕМ «Диагностика российской коррупции 2005»

<sup>62</sup> Индекс восприятия коррупции 2010

<sup>63</sup> В Time Warner Center — Анклав Могущественных Русских // The New York Times, February 11? 2015

<sup>64</sup> Латухина К., Баусин А. Двойка за взятки // Ведомости, № 182 (1956), 27 сентября 2007

<sup>65</sup> Фроловская Т., Котов А. Битва понарошку // РБК daily. 27 сентября 2007

<sup>66</sup> Рейтинг восприятия коррупции в странах мира

ерда гап амалда аҳолининг коррупция масалалари билан ташвишланиши ҳақида боради.

Россияда коррупцияга энг юқори даражада учрайдиган фаолият соҳалари қаторига (Бойиш соҳалари бўлимида санаб ўтилганлардан ташқари) кўйидагилар киради:

- божхона хизматлари: чегара орқали олиб ўтиш тақиқланган товарларни ўтказишга рухсат бериш; мусодара қилинган товарлар ва валютани қайтариб бериш; божхона божларини пасайтириб кўрсатиш; товарларнинг божхона қийматини пасайтириб кўрсатиш; божхона тўловлари муддатини асосиз равища кечиктириш;<sup>67</sup>
- тиббиёт ташкилотлари: асбоб-ускуналар ва дори-дармон воситаларини оширилган нархларда харид қилиш; ҳақиқатга мос келмайдиган тиббий хуросалар бериш; айрим фуқароларга бошқалар ҳисобига устувор хизмат кўрсатиш;
- автоинспекциялар: асосий равища лицензиялар (ҳайдочилик гувоҳномаси, техник кўрикдан ўтганлик ҳақида маълумотнома) тақдим этиш; йўллардан фойдаланиш қоидалари бузган шахслар учун қонуний жазо йўқлиги; йўл-транспорт ҳодисаси ҳақида маълумотлар ва хуросаларни манфаатдор шахслар фойдасига қалбакилаштириш;
- суд органлари: ишнинг моҳиятини холис бўлмаган тарзда кўриб чиқиш; адолатли бўлмаган қарорлар қабул қилиш; процессуал меъёрларни бузиш; турли судларнинг битта иш бўйича қарама-карши қарорлар қабул қилиши; судлардан рейдерлик воситаси сифатида фойдаланиш;
- солиқ органлари: солиқларни тўлиқ ҳажмда ундирамаслик; ҚҚС қайтариб бериш; рақобатчилар томонидан юзага келтирилган текширув ва ишлаб чиқаришнинг тўхтатиб қўйилиши;
- ҳукуқни муҳофаза қилиш органлари: жиной ишлар қўзғатиш ва тўхтатиш, шунингдек, уларни қўшимча терговга йўналтириш; турли оғирликдаги ҳукуқбузарликлар учун қонуний жазонинг йўқлиги;
- тадбиркорлик фаолиятини лицензиялаш ва рўйхатдан ўтказиш;
- бюджет маблағлари билан банк операцияни жойлаштириш ва амалга оширишга рухсат бериш;
- кредитлар олиш;
- экспорт квоталари олиш;
- бюджет маблағлари ҳисобига товарлар/хизматлар харид қилишга конкурслар;
- бюджет маблағлари ҳисобига қурилиш ва таъмирлаш;
- битимларни нотариус орқали тасдиқлаш;
- лицензия шартларига риоя қилиниши устидан назорат;
- овчилик ва балиқчилик шартларига риоя қилиниши устидан назорат;
- қуролли кучлар сафига ҳарбий хизматча чақирилишидан озод этиш;
- давлат олий таълим муассасаларига ўқишига кириш (асосан, юридик ва иқтисодий ихтисосликларга);

<sup>67</sup> Исследование фонда ИНДЕМ «Диагностика российской коррупции 2005»

- нодавлат олий таълим муассасаларини давлат рўйхатидан ўтказиш, аттестация ва аккредитация қилиш;
- ихтисослашган умумтаълим мактаблари ва мактабгача тарбия муассасаларига кириш;
- давлат ва муниципалитет муассасаларида лавозимдан катта миқдорда ноқонуний даромад олишга имкон берадиган хизматга қабул қилиш;
- партия сайлов рўйхатларини шакллантириш.

Коррупцияга қарши фаолият – Россия иқтисодиётини ривожлантириш омилларидан биридир.<sup>68</sup> Коррупцияга қарши кураш мақсадларида Россияда 2008 йил июлда Россия Федерацияси Президенти томонидан Коррупцияга қарши кураш Миллий режаси тасдиқланди.

«Деловая Россия» жамоат ташкилотининг маълумотларига кўра, Россияда коррупция энг ривожланган минтақалар наимоле коррумпированными регионами в России являются Москва шахри, Москва, Омск, Волгоград вилоятлари ва Олтой ўлкаси ҳисобланади.<sup>69</sup>

Transparency International коррупцияни қабул қилиш индекси бўйича Россия 2010 йил 178 мамлакат ичидаги 154-уринни эгаллади. 2009 йил Transparency International Россияда коррупция бозорини 300 миллиард долларга тенг деб баҳолаган.<sup>70</sup>

Буюк Британиянинг Ernst & Young аудиторлик компанияси томонидан 2012 йилнинг баҳорида ўтказилган тадқиқотига кўра, 2011 йил Россияда коррупция билан боғлиқ рисклар сезиларли даражада пасайган ва кўплаб кўрсаткичлар бўйича ўртacha жаҳон даражасидан паст бўлган. Ernst & Young тадқиқотида дунёнинг 43 мамлакатида энг йирик компанияларнинг 1500 дан ортиқ топ-менежери иштирок этди. Хусусан, агар 2011 йил Россияда сўровда иштирок этган менежерларнинг 39 % и бизнесни ҳимоя қилиш ёки корпоратив фойдаларга эришиш учун нақд пулда пора бериш зарурати ҳақида маълум қилган бўлса, 2012 йил бундай менежерлар сони 16 % ни ташкил қилди.<sup>71</sup>

## КОРРУПЦИЯГА БОТГАН МАМЛАКАТЛАР ЎНТАЛИГИ

Мавжуд коррупция “пул олди-бердисида ёки маълум турдаги хизматлар омилида юзага келади”. Verisk Maplecroft 2012 йил августидан 2014 йил августига қадар Transparency International, Freedom House ва АҚШ давлат департаменти берган маълумотларга таяниб, 198 давлатда таҳлилий кузатувлар олиб борган. Унга кўра, ушбу жиноят Африка минтақаси Саҳроий Кабиридан жанубда жойлашган ҳамда Яқин Шарқнинг ривожланаётган давлатларида кенг тарқалган.

<sup>68</sup> Антикоррупционная деятельность как фактор экономической безопасности России.- Статья. — Экономика и экологический менеджмент.

<sup>69</sup> Russie: liste noire des régions les plus corrompues (фр.) // Le Figaro. 2010-10-12.

<sup>70</sup> Transparency International — the global coalition against corruption

<sup>71</sup> ВЕДОМОСТИ — Ernst & Young отметила снижение коррупционных рисков в России

Икки йил мобайнида компания бешта омилни кузатиб борган:

*Коррупциянинг доимиyllиги;*

*Коррупциянинг давомийлиги;*

*Коррупциянинг тарқалганлиги;*

*Коррупциянинг оғирлиги;*

*Коррупциячиларнинг жазосиз қолиши.*

Verisk Maplecroft анализлари бу маълумотларни 0 дан 10 гача бўлган ракамлар асосида баҳолашган, унга кўра, 0 коррупция жуда юқори, 10 эса жуда паст.

Хусусан, Verisk Maplecroftнинг коррупция бўйича “экстремал” баҳо олган 45 фоиз мамлакатлар Сахрои Кабирнинг жанубида жойлашганини аниқлашган. Бундан ташқари, мазкур мамлакат мансабдор шахслари аксар нефт, газ ва бошқа қазилмалар бўйича ишлайдиган компаниялардан пора сўрашган. Бу эса, Яқин Шарқ мамлакатлари ҳамда Россиянинг мазкур рейтингда қуий жойларни эгаллашига сабаб бўлган.

Maplecroft Verisk нинг норматив таҳлилчиси Тревор Слак ўз ҳисоботида шундай ёзди: “Коррупцияга оид жиноятлар кўрсаткичи ривожланаётган мамлакатларда анча юқори. Тизимдаги ушбу қонунга зид жиноятда мамлакатлардаги мавжуд корхоналар, пораҳўр шахслар ва ходимларга боғлиқ бўлиб қолмоқда, ушбу жиноятга қарши курашишга қаратилган саъй-ҳаракатлар зое кетмоқда”. Таҳлилчилар 198 мамлакатда олиб борган тадқиқотлари натижасида шундай хulosага келишди, улардан 73 тасида коррупцияга оид ҳолат “экстремаль”, 64 тасида “юқори”, 38 тасида “ўрта” ва 23 тасида “қуий”. Бу борада Дания пешқадам, АҚШ эса 23 ўринда. Мамлакатлар рўйхатдан турли кўрсаткичлари жиҳатидан жой эгаллашган бўлса-да, келгусида ўрин алмашиш ҳолатлари кузатилиши мумкин. Шу боис, биринчи ўринни бир хил балл олган учта мамлакат бўлиб олишган бўлса-да, улардан паст балл олган мамлакат тўртинчи ўринда, деб ҳисобланди.

## 10. Жанубий Судан

“Ал-жазира” телекомпаниясининг “Жанубий Судан: орзулар мамлакати” (South Sudan: Country of Dreams), деб номланган сўнгти фильмida дунёнинг энг ёш мамлакати фуқаролар уруши гирдобига ғарқ бўлгани ҳақида сўз очади.

Телекомпания: “Жуда катта нефт заҳираларига эга бўлишига қарамай, мамлакат коррупциядан азият чекмоқда. Мустақил бўлганига ҳали уч йил тўлмасдан мамлакатда фуқаролар уруши бошланиб кетди. Оқибатда ўн минглаб одамлар ўлдирилди, икки миллионга яқин одам эса мамлакатни ташлаб қочишга мажбур бўлди”, бўлди дея маълумот беради.

## 10. Россия

Ҳукуматга мухолиф бўлган сиёsatчиларнинг қамалишлари - эркинлик йўқлигидан далолатdir. 2018 йилда Жаҳон чемпионатининг Россияда бўлиб ўтиши учун ФИФА делегатларининг овозларини сотиб олиниши. 2014 йили Сочида бўлиб ўтган олимпиада ўйинларига тайёргарлик чоғидаги ҳукумат ва

курилиш компанияларининг яқиндан алоқалари бўлганлиги ҳам бунга далолат қилади.

## **10. Мьянма**

ВВСнинг 2015 йил май ойидаги ҳисботида хабар берилишича, Бирма иқтисодиёти “ён йиллаб давом этган стагнация, изоляция ва самарасиз бошқариш оқибатида дунёдаги энг кам ривожланган давлатлардан бири ҳисобланади. Саноатнинг асосий соҳалари ҳарбийлар томонидан назоратга олинган бўлиб, мамлакатда коррупция авж олган”.

## **6. Либия**

“Financial Times” нашрининг апрел ойидаги ҳисботига кўра, йирик миқдордаги нефт заҳираларини (мамлакат даромадининг 90 фоизи уларнинг хиссасига тўғри келади) назоратига олган шахслар, самарасиз иқтисодий бошқарувда айбланган. Ундан ташқари, улар хукуматнинг муҳим лавозимларига “қўғирчоқ” шахсларни тайинлашда гумон қилинмоқда.

## **6. Ирек**

Араб дунёсига оид янгиликларни ёритиб борадиган Al Monitor интернет-нашри исми номаълум қолган, ўзи Ирекда қурувчи бўлиб ишлайдиган кишидан интервью олибди. Ушбу киши АҚШ билан ўтган урушдан сўнг, Ирекда ҳукм суроётган коррупциянинг ишлаш тамойилини қўйидагича тавсифлаб берибди:

«Коррупция нафақат молия соҳаси, балки маъмурий органлар ва хуқуқни муҳофаза қилиш органларига ҳам чуқур сингиб кирди. Чунончи, амалдор шахс янги таъсис этилган қурилиш компаниясини расмиятчилик юзасидан, гарчи қўл остида тегишли мутахассислар ёки механизмлар бўлмаса-да, ўз қариндоши ёки дўстининг номига қайд этади. Бундай компания ўша мансабдор шахс воситачилигида муайян шартнома тузилишига, масалан мактаб биносини қайта қуриш ишларига оид буюртма олишга эришади. Тегишли ишларни, ё компаниянинг ўзи бажаради, ё ишчи кучи ва техникани вақтинча ижарага олиб, бошқа пурратчига топширади. Оқибатда, тегишли лойиҳа ўз вақтида амалга ошмай қолади».

## **6. Экваториал Гвинея**

Human Rights Watch тарафидан 2014 йил Экваториал Гвинеядаги ҳолат ўрганиб чиқилган ва унга кўра, 1979 йилдан бери мамлакатни бошқариб келаётган Теодоро Обианг Нгема Мбасого давлатида коррупция, қашшоқлик ва репрессиялар Африканинг катта бўлмаган бир давлатида вабо каби тарқалгандир. “Нефтдан тушаётган катта даромадлар аҳолининг аксар қисми қашшоқ яшаётган бўлса ҳам, президент атрофидаги кўп бўлмаган бир тўда элитанинг ҳашаматли яشاши учунгина сарф қилинмоқда. Давлат маблағларининг талон-тарож қилиниши ва юқори даражадаги мансабдорлар орасидаги коррупция ҳолатлари ҳамда интизомдаги бошқа жиддий бузилишлар, хусусан ўзбошимча ҳибсга олинишлар, махбусларни махфий сақлаш ва адолатсиз маҳкама жараёнлари шулар жумласидандир”.

## **6. Афғонистон**

Fiscal Timesнинг хабар берилишича, ички даромаднинг кескин равишда тушиб кетиши туфайли 2016 йил Афғонистон бюджет мажбуриятларини

бажара олмайди. Сабаби эса, мамлакатнинг учдан бир даромади ҳосил бўладиган божхона тушумлари ўғирлаб кетилгандир. Fiscal Timesнинг қўшимча қилишича, Афғонистон дунё бўйича энг кам солиқ йигиладиган мамлакатдир.

#### **4. Судан**

Суданда коррупция ривожлангани бўйича мисол топиш учун узоққа бориш шарт эмас – яқинда Жанубий Африка мамлакатига ташриф буюрган Судан президенти Баширнинг тезда мамлакатни тарк қилишини эслаш кифоя. Ўшанда унг инсониятга қарши ва геноцид бўйича айлов қўйилиб, қамалиши мумкин эди. Суданлик фаолнинг январ ойида Guardianra: “Биз ўзимизнинг коррупциялашган ҳукуматимиз курбонимиз”, деган эди.

#### **4. Марказий Африка Республикаси**

МАР феврал ҳолати бўйича ВВСнинг берган маълумотларига кўра, мамлакатда коррупция “гуллаб-яшнамоқда”, бу эса ўз навбатида даромади юқори ҳисобланган қурилиш дараҳтлари ва бриллиант қазиб олиш соҳаларини йўқ қилмоқда. Бунинг устига, МАР дунёда ривожланмаган давлатлардан биридир.

#### **1. Сомали**

2013 йилда БМТнинг Сомалида авж олаётган коррупция ҳақидаги ҳаммаёқни алғов-далғов қилувчи ҳисботи эълон қилинди. The Wall Street Journal иқтибос сифатида келтирган бир ибора айниқса эътиборни ўзига жалб этади:

“Сомали Марказий банки амалда коррупциялашган тузилмаларнинг - пора олевчи шахсий фондга айланди; банк томонидан берилаётган маблағларнинг 80 фоизи давлат дастурларига эмас, балки шахсий эҳтиёжларни қондириш учун сарф қилинмоқда, банк орқали ўтаётган аксар маблағлар назоратдан четда қолмоқда”.

#### **1. Шимолий Корея**

Агар сизга Шимолий Корея коррупциялашган тоталитар давлат эканлиги ҳақида яна исбот керак булса, эътиборингизга “Economic Index of Freedom”нинг 2015 йилги ҳисботидан бир парча келтирамиз: “Порахўрлик - давлат ва иқтисоднинг барча даражаларида кенг тарқалган ҳолатдир. Ишчилар партияси, Корея Халқ Армияси ва Вазирлар Маҳкамасининг юқори мансабдор шахслари бир-бирига рақиб компанияларга эгалар, ушбу компанияларнинг асосий мақсади - ўз эгалари учун хорижий валюта топишдан иборат. Деярли барча мулк давлатга тегишидир. Ҳукумат экспорт ва импорт ҳамда ички ишлаб чиқаришни назорат қиласи”.

#### **1. Конго Демократик Республикаси**

2014 йилги Transparency Internationalнинг ҳисботига кўра, Конгода коррупция чуқур илдиз отган бўлиб, ҳолатни ижобий тарафга ўзгартириш учун ҳеч қандай умид қолмаган.

Transparency Internationalнинг ёзишича: “Президент Кабила жуда кўп марта коррупцияга қарши курашиш тарафдори эканини баён қилган, бироқ бир марта бўлса ҳам ўз сиёсий иродасини изҳор қилмаган. Бу масалада жуда

кўп қонунлар қабул қилинса-да, буларнинг аксари умуман амалиётда қўлланмайди”.

## **КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ 15 ТА ҲАДИС**

Коррупция – бутун дунё бўйлаб тарқалган, бу дунёning энг катта балоларидан биридир. Мансабдор шахслар ва давлат ишида хизмат қилаётган ҳодимларнинг ўз мансабларини сустеъмол қилиши - мамлакат тараққиётига ғов бўлиб, оддий фуқароларнинг ҳак-хукуқларини поймол қилади.

Ислом таълимотларидан узоклашиб оқибатида, коррупция деб аталган оғир касаллик билан жуда кўп мусулмон мамлакатлари ҳам хасталаниб қолган.

Қуйида келтирилган 15 та ҳадис Ислом коррупцияга қарши эканини ҳамда ҳар бир мусулмон ва бутун уммат бу иллатни фош қилиши ва жамиятни ундан тозалашни ўйлаб кўриши керак.

### **Жамиятга хизмат қилиш - буюк маъсулият**

1. Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Барчангиз раҳбарсиз ва барчангиз ўз раъиятингизга (қўл остидагиларга) масъулсиз. Имом ўз қавмига масъул. Эркак киши ўз оиласига масъул. Аёл киши эрининг уйига ва фарзандларига масъул. Хизматкор хўжайинининг молига ва унга топширилган нарсаларга масъул” (Имом Бухорий).

2. Убайдуллоҳ ибн Зиёд розияллоҳу анҳу Маъқал ибн Ясорнинг (беморлигига) кўргани кирди. Шунда у: -Мен сенга Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламдан эшитган ҳадисни сўзлаб бераман, У зот: “Қайси бир шахс мусулмонлардан бир жамоага волий бўлиб, уларнинг ҳаққига хиёнат қилган ҳолда ўлиб кетса, албатта, Аллоҳ унга жаннатни ҳаром қилур», дедилар” (Бухорий, Муслим).

3. Абу Зарр розияллоҳу анҳу: “Эй Аллоҳнинг Расули, мени омил қилмайсизми?”, деди. Бас, У зот елкамга уриб туриб: -Эй Абу Зарр, сен заифсан, албатта у қиёмат куни хорлик ва надомат бўлгай. Магар ким уни ҳаққи ила олса ва ундаги ўз бурчини адо этса, бундан мустасно дедилар” (Муслим ва Абу Довуд).

### **Коррупцияга қарши курашиш бурчи бутун жамият зиммасидадир**

4. Абу Саъид Худрий розияллоҳу анхудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Сиздан ким бир мункар ишни қўрса, қўли билан қайтарсин, агар қодир бўлмаса, тили билан қайтарсин, агар қодир бўлмаса, дили билан қайтарсин, ана ўша энг заиф иймондир», дедилар» (Муслим, Абу Довуд, Термизий, Нисоий).

5. Нуъмон ибн Башир розияллоху анҳудан ривоят қилинади: “Аллоҳ қўйган чегараларга риоя қилиб турган киши билан, уларга риоя қилмаётган кимсанинг мисоли, худди бир кемага минган, ўрталарида қуръа ташлаб бир қисми кеманинг юқори қисмига, бошқа бир қисми эса қуи қисмига жойлашган одамлар кабидир. Кеманинг қуи қисмига жойлашганлар - сувга муҳтож бўлсалар, кеманинг юқори қисмida жойлашганларнинг олдиларидан ўтишарди. Шунда пастдагилар: биз оладиган сувимизни шу ердан тешиб олаверсак ва тепадагиларга озор бермасак? -деб маслаҳат қилишди. Агар юқоридагилар буларни ўз хоҳишларига ташлаб қўйсалар барчалари (ғарқ бўлиб) ҳалок бўлишади, аммо уларнинг қўлларидан тутсалар ҳаммалари (ғарқ бўлишдан) нажот топишади” (Бухорий ривояти).

6. Анас ибн Молик розияллоху анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ саллоллоху алайҳи васаллам: “Биродарингга золим бўлса-да, мазлум бўлса-да ёрдам бер”, дедилар. Шунда бир киши: “Ё Расулуллоҳ, мазлум бўлса-ку, ёрдам бераман. Лекин, золим бўлса қандай унга ёрдам бераман?”, деб сўради. “Уни зулмдан тиясан. Шу унга берган ёрдаминг бўлади”, дедилар (Муттафақун алайҳ).

### **Мансабни сустеъмол қилишга оқлов йўқ**

7. Абу Ҳумайд ас-Соъдий розияллоху анҳудан ривоят қилинади: “Пайғамбар алайҳиссалом Аъдан ибн Лутайба деган одамни садақага ишга қўйдилар. У қайтиб келганида: “Бу нарса сизларга. Бу нарса менга ҳадя қилинди”, деди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам ўринларидан туриб, Аллоҳга ҳамду сано айтдилар ва сўнгра: “Аммо баъд. Мен сизлардан бир кишини Аллоҳ менга топширган ишда бир ишга қўяман. У эса келиб: «Бу нарса сизларга. Бу нарса менга ҳадя қилинди», дейди. Ота-онасининг уйида ўтириб кўрсин-чи, унга ҳадя келармикин?! Кўрамиз, гапи тўғримикан! Аллоҳга қасамки, Сиздан кимки, бирор нарсани ноҳақдан олса, албатта, қиёмат куни уни кўтарган ҳолида келади. Зинҳор бирортангизни Аллоҳга мулоқот бўлганингизда пишқириб турган туюми, бўкириб турган сигирми ёки маъраб турган қўйни-ми елкасида кўтариб юрганини билмайман”, дедилар-да, қўлларини қўлтиқларини оқи кўрингунча баланд кўтариб: “Эй бор Худоё! Етказдим-ми?!” дедилар» (Бухорий, Муслим ва Абу Довуд).

8. Адий ибн Умайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг: “Кимни бир ишга қўйсагу у биздан битта иғнани ёки ундан кўпроқ нарсани беркитса ҳам хиёнат қилган бўлади”, деганларини эшитдим. Шунда ансорийлардан бир қора киши туриб олдиларига борди-да: “Эй Аллоҳнинг Расули, мендан ишингизни қабул қилиб олинг. Мен сизнинг бундоқ-бундоқ деганингизни эшитдим”, деди. “Мен ҳозир яна айтаман. Сиздан кимни бир ишга қўйсак озини ҳам, кўпини ҳам олиб келсин. Унга нима берилса, олади. Нима берилмаса, олмайди”, дедилар» (Муслим, Абу Довуд).

9. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Амирларнинг ҳадялари хиёнатдир”, деганлар (Табароний ривояти).

10. Бурайда розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Набий саллаллоҳу алайҳи васаллам: “Кимни бир ишга омил қилиб қўйсак ва уни ризқ ила ризқлантириб қўйган бўлсак, ўшандан кейин олгани хиёнатдир”, дедилар” (Абу Довуд, Ҳоким).

11. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: “Айрим кишилар Аллоҳнинг молига ноҳақ шўнғийдилар. Киёмат кунида уларга дўзах бўлур” (Бухорий).

### **Пора бўйича жиддий огоҳлантириш**

12. Абу Ҳурайра розийаллоҳу анху айтадилар: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бирон ҳукм борасида пора берувчини ҳам, пора оловчини ҳам лаънатлаганлар” (Термизий, Ибн Ҳиббон, Ҳоким).

Мазкур ҳадиси шарифнинг яна бир ривоятида: “Улар орасини келиштирувчи – даллолни ҳам лаънатлаганлар”, дейилган.

### **Коррупция билан қурашишга мисол**

13. Бурайда розияллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам: “Қозилар (ҳукм қилувчилар) уч тоифадир. Бир тоифаси жаннатда, икки тоифаси дўзахдадир. Ҳақиқатни билиб, адолат билан ҳукм чиқарган қози жаннатда. Ҳақиқатни била туриб, пора олгани сабабидан бирорвга зулм қилган иккинчиси ва ҳақиқатни билмай туриб, ҳукм чиқарган қозилар дўзахдадир”, деганлар (Абу Довуд, Термизий ва Ҳоким).

14. Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: "Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам гуноҳи кабираларни зикр қилдилар: "Аллоҳга ширк келтириш, ота-онага оқ бўлиш ва одам ўлдириш", дедилар. Сўнгра "Сизларга катта гуноҳларнинг каттасини айтайми? Ёлғон гувоҳлик беришдир", дедилар (Бухорий).

15. Имом Бухорий, Мусъаб ибн Умайр розияллоҳу анху, Термизий, Аҳмад ва Насайлар шундай ривоят қиладилар: “Ўғрилик қилган маҳзумиялик бир аёлнинг ҳоли қурайшликларни ташвишга солди. Улар: “У ҳақда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга ким гапиради?”, дейишди.

Кейин: “У зотга Усома – Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг маҳбубидан бошқа ким ҳам журъат қила олар эди?!”, дейишди.

Бас, Усома у Зотга бу ҳақда гапиреди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга: “Аллоҳнинг ҳаддларидан бирида шафоатчилик қиласанми?!” дедилар.

Сўнгра туриб, хутба қилиб: “Эй одамлар! Албатта, сиздан олдин ўтганларнинг ҳалок бўлишлари ичларида шарифлари ўғрилик қилса, қўйиб юбориб, заифлари ўғрилик қилса, унга ҳаддни қоим қилишлари сабабидандир. Аллоҳ номи билан қасамки, агар Фотима бинти Муҳаммад ўғрилик қилса ҳам, албатта, унинг кўлинин кесурман!”, дедилар”.

Бошқа ривоятда: ”Сўнгра ҳалиги аёл ҳақида амр қилдилар. Унинг қўли кесилди”, дейилган”.

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ ҚОНУНИ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТЎҒРИСИДА<sup>72</sup>**

Қонунчилик палатаси томонидан 2016 йил 24 ноябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2016 йил 13 декабрда маъқулланган

### **1-БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

#### **1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонуннинг мақсади коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

#### **2-модда. Коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг ҳалқаро шартномасида коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, ҳалқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

#### **3-модда. Асосий тушунчалар**

Ушбу Қонунда қўйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**коррупция** — шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш;

**коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик** — коррупция аломатларига эга бўлган, содир этилганлиги учун қонун ҳужжатларида жавобгарлик назарда тутилган қилмиш;

**манфаатлар тўқнашуви** — шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик шахснинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-каршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият.

#### **4-модда. Коррупцияга қарши курашишнинг асосий принциплари**

Коррупцияга қарши курашишнинг асосий принциплари қўйидагилардан иборат: қонунийлик;

фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги; очиқлик ва шаффоффлик;

тизимлилик;

<sup>72</sup> [http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact\\_id=3088008](http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=3088008)

давлат ва фуқаролик жамиятининг ҳамкорлиги;  
коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар устуворлиги;  
жавобгарликнинг муқаррарлиги.

#### **5-модда. Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари**

Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қўйидагилардан иборат:  
аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш;  
давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш;  
коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларга чек қўйиш, уларнинг оқибатларини, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини таъминлаш.

#### **6-модда. Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурлари ва бошқа дастурлар**

Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсати давлат дастурлари ва бошқа дастурлар асосида амалга оширилиши мумкин.  
Давлат дастурлари ва бошқа дастурлар ушбу Конуннинг қоидалари самарали ижро этилишини таъминлаш, коррупциянинг ҳолати ҳамда тенденцияларидан келиб чиқкан ҳолда коррупцияга қарши курашиш бўйича комплекс ва тизимли чора-тадбирлар кўриш мақсадида ишлаб чиқлади ҳамда амалга оширилади.

### **2-БОБ. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ БЎЙИЧА ФАОЛИЯТНИ АМАЛГА ОШИРУВЧИ ВА УНДА ИШТИРОК ЭТУВЧИ ОРГАНЛАР ҲАМДА ТАШКИЛОТЛАР**

#### **7-модда. Коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи давлат органлари**

Коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни бевосита амалга оширувчи давлат органлари қўйидагилардан иборат:  
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси;  
Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати;  
Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги;  
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги;  
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиной даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти.  
Коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа давлат органлари ҳам амалга оширади.

#### **8-модда. Коррупцияга қарши курашиш бўйича идоралараро комиссиялар**

Коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш учун Коррупцияга қарши курашиш бўйича Республика идоралараро комиссияси (бундан буён матнда Идоралараро комиссия деб юритилади) ташкил этилади. Идоралараро комиссияни шакллантириш ва унинг фаолияти тартиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланади.

Қорақалпоғистон Республикасида, вилоятларда ва Тошкент шаҳрида коррупцияга қарши курашиш бўйича худудий идоралараро комиссиялар (бундан буён матнда худудий

идораларо комиссиялар деб юритилади) қонун хужжатларида белгиланган тартибда ташкил этилади.

Идораларо комиссиянинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурларининг ва бошқа дастурларнинг ишлаб чиқилиши ҳамда амалга оширилишини ташкил этиш;

коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ва ҳамкорлигини таъминлаш;

аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга доир чора-тадбирларнинг ишлаб чиқилиши ҳамда амалга оширилишини ташкил этиш;

коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга, уларни аниқлашга, уларга чек қўйишга, уларнинг оқибатларини, шунингдек уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этишга доир чора-тадбирлар самарадорлиги оширилишини таъминлаш;

коррупциянинг ҳолати ва тенденциялари тўғрисидаги ахборотни йиғиш ҳамда таҳлил этиш;

коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилиши юзасидан мониторингни амалга ошириш, ушбу соҳадаги мавжуд ташкилий-амалий ва ҳуқуқий механизмларнинг самарадорлигини баҳолаш;

коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун хужжатларини такомиллаштириш ва ушбу соҳадаги ишларни яхшилаш юзасидан таклифлар тайёрлаш;

худудий идораларо комиссиялар фаолиятини мувофиқлаштириш.

#### **9-модда. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ўз ваколатлари доирасида:

коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун хужжатларининг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назоратни амалга оширади;

коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги тезкор-қидириув фаолиятини, суриштирувни, дастлабки терговни, шунингдек ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштиради;

коррупция билан боғлиқ жиноятлар бўйича дастлабки терговни амалга оширади;

коррупциянинг ҳолати ва коррупцияга қарши курашиш натижалари тўғрисидаги ахборотни йиғиш ҳамда таҳлил қилишни амалга оширади;

жисмоний ва юридик шахсларнинг коррупция фактларига доир мурожаатларини кўриб чиқади ҳамда уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш чораларини кўради;

коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонун ижодкорлиги фаолиятида, шу жумладан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқини амалга оширишда иштирок этади;

аҳоли ўртасида жамиятда ҳуқуқий онги, ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга ва қонунийликни мустахкамлашга қаратилган ҳуқуқий тарғиботга доир фаолиятда иштирок этади;

коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг ўз вақтида олди олинишини, аниқланишини ва уларга чек қўйилишини таъминлашга, уларнинг оқибатларини, шунингдек уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этишга доир тадбирларни ишлаб чиқади ҳамда амалга оширади;

коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда ташкилотлар билан ҳамкорлик қиласи;

коррупцияга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**10-модда. Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ўз ваколатлари доирасида: коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади; коррупция билан боғлиқ жиноятлар бўйича тезкор-қидирав фаолиятини, суриштирувни ва дастлабки терговни амалга оширади; коррупциянинг ҳолати ва коррупцияга қарши курашиш натижалари тўғрисидаги ахборотни йиғади ҳамда таҳлил қиласи, миллий хавфсизлик учун таҳдидларни баҳолашни амалга оширади, тегишли давлат органларига зарур ахборотни тақдим этади; жисмоний ва юридик шахсларнинг коррупция фактларирига доир мурожаатларини кўриб чиқади ҳамда уларнинг бузилган хукуқларини тиклаш ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш чораларини кўради; коррупцияга оид хукуқбузарликларнинг ўз вақтида олди олинишини, аниқланишини ва уларга чек қўйилишини таъминлашга, уларнинг оқибатларини, шунингдек уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этишга доир тадбирларни ишлаб чиқади ҳамда амалга оширади; коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда ташкилотлар билан ҳамкорлик қиласи; коррупцияга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**11-модда. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ўз ваколатлари доирасида: коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади; коррупция билан боғлиқ жиноятлар бўйича тезкор-қидирав фаолиятини, суриштирувни ва дастлабки терговни амалга оширади; коррупциянинг ҳолати ва коррупцияга қарши курашиш натижалари тўғрисидаги ахборотни йиғади ҳамда таҳлил қиласи, тегишли давлат органларига зарур ахборотни тақдим этади; жисмоний ва юридик шахсларнинг коррупция фактларирига доир мурожаатларини кўриб чиқади ҳамда уларнинг бузилган хукуқларини тиклаш ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш чораларини кўради; аҳоли ўртасида жамиятда хукуқий онгни, хукуқий маданиятни юксалтиришга ва қонунийликни мустаҳкамлашга қаратилган хукуқий тарғиботга доир фаолиятда иштирок этади; коррупцияга оид хукуқбузарликлар тўғрисидаги статистика маълумотларининг ҳисоби юритилишини ва таҳлил қилинишини таъминлайди; коррупцияга оид хукуқбузарликларнинг ўз вақтида олди олинишини, аниқланишини ва уларга чек қўйилишини таъминлашга, уларнинг оқибатларини, шунингдек уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этишга доир тадбирларни ишлаб чиқади ҳамда амалга оширади; коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда ташкилотлар билан ҳамкорлик қиласи; коррупцияга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**12-модда. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ўз ваколатлари доирасида:

коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонун ижодкорлиги фаолиятида иштирок этади; аҳоли ўртасида жамиятда ҳуқуқий онгни, ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга ва қонунийликни мустаҳкамлашга қаратилган ҳуқуқий тарғиботга доир фаолиятни амалга оширади ҳамда мувофиқлаштиради;

таълим муассасаларида коррупцияга қарши курашиш соҳасида ҳуқуқий таълим ва тарбияга доир чора-тадбирларни амалга оширишда иштирок этади;

норматив-хуқуқий ҳужжатлардаги ҳамда уларнинг лойиҳаларидағи коррупция учун шартшароитлар яратадиган қоидалар ва нормаларни аниқлаш мақсадида ушбу ҳужжатлар ва лойиҳаларнинг таҳлилини амалга оширади;

коррупцияга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш бўйича чоралар кўради;

коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда ташкилотлар билан ҳамкорлик қиласи;

коррупцияга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**13-модда. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратуроси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратуроси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти ўз ваколатлари доирасида:

коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш билан боғлиқ жиноятлар ва коррупция билан боғлиқ бошқа жиноятлар бўйича тезкор-қидирув фаолиятини, суриштирувни амалга оширади;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришнинг эҳтимол тутилган йўллари ва механизmlарини аниқлаш учун пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларнинг мониторингини ташкил этади ҳамда ўтказади;

жиноий таъқиб этишини ташкил қилиш ва ҳуқуқий таъсир кўрсатишнинг бошқа чораларини кўриш учун тегишли давлат органларини коррупцияга оид аниқланган ҳуқуқбузарликлар тўғрисида ўз вақтида хабардор қиласи;

коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг ўз вақтида олди олинишини, аниқланишини ва уларга чек қўйилишини таъминлашга, уларнинг оқибатларини, шунингдек уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этишга доир тадбирларни ишлаб чиқади ҳамда амалга оширади;

коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда ташкилотлар билан ҳамкорлик қиласи;

коррупцияга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратуроси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**14-модда. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ва фуқароларнинг коррупцияга қарши курашишда иштирок этиши**

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролар:

коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этиши;

аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришда иштирок этиши;

коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириши;

коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритиши;

коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиши мумкин.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа тадбирларда ҳам иштирок этиши мумкин. Нодавлат нотижорат ташкилотлари ушбу моддада назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш мақсадида Идоралараро комиссия ва ҳудудий идоралараро комиссиялар фаолиятида, шунингдек давлат органлари хузуридаги ишчи гуруҳлар, комиссиялар ва жамоат-маслаҳат органлари фаолиятида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иштирок этади.

**15-модда. Оммавий ахборот воситаларининг коррупцияга қарши курашишда иштирок этиши**

Оммавий ахборот воситалари:

коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширишга, шу жумладан аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга қаратилган тадбирларни ёритади;

коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади;

коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қиласди.

Оммавий ахборот воситалари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа тадбирларда ҳам иштирок этиши мумкин.

**3-боб. Коррупцияга қарши курашиш соҳасида ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш**

**16-модда. Аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш**

Давлат органлари ва бошқа ташкилотлар коррупцияга қарши курашиш мақсадида аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш бўйича зарур чора-тадбирлар кўради, шу жумладан коррупцияга қарши курашиш масалаларига доир тушунтириш ишларини амалга ошириш, ҳуқуқий тарбия ва таълимни, илмий-амалий тадбирларни ташкил этиш, ўқув-услубий ва илмий адабиётларни ишлаб чиқиш йўли билан зарур чора-тадбирлар кўради.

## **17-модда. Давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимларининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш**

Давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ўз мансабдор шахсларининг ҳамда бошқа ходимларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ҳуқуқий саводхонлигини, шу жумладан ҳуқуқий билимлари даражасини ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўради.

## **18-модда. Таълим муассасаларида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ҳуқуқий таълим ва тарбия**

Таълим муассасаларида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ҳуқуқий таълим ва тарбия белгиланган давлат таълим стандартларига мувофиқ амалга оширилади.

Давлат таълимни бошқариш органлари ва таълим муассасалари коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларини инобатга олган ҳолда таълим муассасаларида ҳуқуқий таълим ва тарбияга, мутахассисларни касбий тайёрлашнинг сифатини оширишга, таълим дастурларини доимий равишда такомиллаштириб боришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқади.

## **4-БОБ. КОРРУПЦИЯНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШГА ДОИР ЧОРА-ТАДБИРЛАР**

### **19-модда. Давлат бошқаруви соҳасида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар**

Давлат бошқаруви соҳасида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар куйидагилардан иборат:

давлат органлари фаолиятининг очиқлигини ва уларнинг ҳисобдорлигини таъминлаш, давлат бошқаруви тизимининг самарадорлигини ошириш, давлат органларининг, улар мансабдор шахсларининг ва бошқа ходимларининг ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажариши юзасидан масъулиятини кучайтириш;

коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлат органларининг фаолияти устидан парламент ва жамоатчилик назоратини амалга ошириш;

давлат органларининг ва улар ходимларининг фаолиятида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга йўл қўймаслик;

давлат органларининг мансабдор шахслари ва бошқа ходимлари томонидан ўз мансаб ёки хизмат мажбуриятларининг бажарилиши самарадорлиги мезонларини, стандартларини ва унинг сифатини баҳолаш тизимларини жорий этиш;

давлат органлари ходимларининг касбий ҳамда хизматдан ташқари фаолиятдаги одоб-ахлоқининг ягона принциплари ва қоидаларини белгиловчи одоб-ахлоқ қоидаларини самарали амалга ошириш;

давлат органлари ходимлари манфаатларининг тўқнашувини ҳал қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, уларга риоя этилиши юзасидан мониторинг ўтказилишини таъминлаш;

давлат органлари ходимларининг ҳуқуқий мақомини белгилаш, хизматни ўташнинг шаффоф тартибини ўрнатиш, шахсий ва касбий сифатлар, очиқлик, беғаразлик, адолатлилик ва холислик принциплари асосида танлов бўйича саралаш ҳамда хизматда кўтарилиш тизимини жорий этиш;

давлат органлари томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун хужжатлари талабларига риоя этилиши, мурожаатларнинг тўлик, холисона ва ўз вақтида кўриб чиқилиши, улар томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари, эркинликларини тиклаш ҳамда қонуний манфаатларини химоя қилиш бўйича ўз ваколатлари доирасида чоралар кўрилиши устидан назоратни таъминлаш;

давлат органлари фаолиятида коррупциянинг олдини олишга доир тадбирларнинг амалга оширилиши юзасидан ушбу органлар томонидан кўрилаётган чора-тадбирлар самарадорлигини баҳолаган ҳолда мунтазам равишда мониторинг ўтказиш; норматив-хуқукий ҳужжатларнинг ва улар лойихаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ташкил этиш; давлат органларининг мансабдор шахслари ва бошқа ходимларининг самараали ижтимоий ҳимоя қилинишини, моддий таъминот олишини ва рағбатлантирилишини таъминлаш. Конун ҳужжатларида давлат бошқаруви соҳасида коррупциянинг олдини олишга доир бошқа чора-тадбирлар ҳам назарда тутилиши мумкин. Давлат органларининг ва ўзга ташкилотларнинг мансабдор шахслари ҳамда бошқа ходимлари қонун ҳужжатларига риоя этиши, ўз мансаб ёки хизмат мажбуриятларини беғаразлик билан, холисона, вижданан, одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этган ҳолда бажариши ҳамда коррупцияга оид бирор-бир ҳуқуқбузарликни содир этишдан ёки бундай ҳуқуқбузарликларни содир этиш учун шарт-шароитлар яратадиган бошқа ҳар қандай ҳаракатлардан ўзини тийиши шарт.

## **20-модда. Ижтимоий-иктисодий ривожланиш ва тадбиркорлик соҳасида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар**

Ижтимоий-иктисодий ривожланиш ва тадбиркорлик соҳасида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар кўйидагилардан иборат:

маъмурий ва бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, рўйхатга олиш, рухсат этиш ва лицензияга доир тартиб-таомилларни соддалаштириш ҳамда уларнинг тезкорлигини ошириш;

давлат органларининг назорат-текширув вазифаларини мақбуллаштириш, тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текшириш тизимини такомиллаштириш, уларнинг фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашибга йўл қўймаслик;

давлат органлари ва тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг масоғавий шаклларини кенг жорий этиш;

тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш учун тенг шарт-шароитлар яратиш ва инсоғиз рақобатта йўл қўймаслик;

давлат харидларининг самараали ҳуқукий механизмларини жорий этиш, давлат харидларини жойлаштиришда ошкоралик, шаффоғликни таъминлаш ҳамда рақобат мухитини кўллаб-куватлаш;

таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида ва ижтимоий-иктисодий ривожланишнинг бошқа соҳаларида ахоли учун адолатли шарт-шароитларни ҳамда тенг имкониятларни яратиш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга йўл қўймаслик;

нодавлат ташкилотларда коррупцияга қарши курашибнинг самараали механизмларини жорий этиш.

Конун ҳужжатларида ижтимоий-иктисодий ривожланиш ва тадбиркорлик соҳасида коррупциянинг олдини олишга доир бошқа чора-тадбирлар ҳам назарда тутилиши мумкин.

## **21-модда. Манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва уни бартараф этишга доир чора-тадбирлар**

Давлат органларининг ходимлари мансаб ёки хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган шахсий манфаатдорликка йўл қўймаслиги керак.

Манфаатлар тўқнашуви юзага келган тақдирда, давлат органларининг ходимлари ўзининг бевосита раҳбарини дарҳол хабардор қилиши керак. Манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги тўғрисида маълумотлар олган раҳбар бу тўқнашувнинг олдини олиш ёки уни бартараф этиш юзасидан ўз вақтида чоралар кўриши шарт.

Давлат органларининг махсус бўлинмалари ёки одоб комиссиялари манфаатлар тўқнашувини ҳал этиш қоидаларига риоя этилиши юзасидан мониторингни амалга оширади.

Давлат органларининг манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ёки уни бартараф этиш талаблари бузилишига йўл қўйган ходимлари, шунингдек уларнинг раҳбарлари қонун хужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

## **22-модда. Маъмурий тартиб-таомиллар соҳасида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар**

Маъмурий тартиб-таомиллар соҳасида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар қўйидагилардан иборат:

қонунийлик ва адолатлилик принципларини таъминлаш, маъмурий-бошқарув жараёнининг беғаразлиги кафолатларини яратиш, ушбу жараённинг шаффоғлигини, ташқи ва ички назорат учун очиқлигини ошириш;

ўз ихтиёрича ҳаракат қилиш ваколатларини чеклаган ҳолда маъмурий тартиб-таомилларни батағсил тартибга солиш, бюрократик расмиятчиликка йўл қўймаслик; соддалаштирилган маъмурий тартиб-таомилларни жорий этиш;

давлат органларининг қарорлари устидан шикоят қилишнинг ва етказилган зарар ўрнини қоплашнинг самарали механизмларини белгилаш.

Қонун хужжатларида маъмурий тартиб-таомиллар соҳасида коррупциянинг олдини олишга доир бошқа чора-тадбирлар ҳам назарда тутилиши мумкин.

## **23-модда. Давлат харидларини амалга ошириш соҳасида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар**

Давлат харидларини амалга ошириш соҳасида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар қўйидагилардан иборат:

давлат харидларини амалга ошириш тартиб-таомиллари тўғрисидаги ахборотнинг шаффоғлиги ва очиқлигини таъминлаш;

адолатли рақобатни ва қарорлар қабул қилиш чоғида холисона мезонлардан фойдаланилишини таъминлаш;

ички назоратнинг самарали тизимини, шунингдек давлат харидларини ўтказиш натижалари юзасидан шикоят қилиш ва низолашишнинг самарали тартиб-таомилини яратиш;

давлат электрон савдоларининг самарали ишлашини таъминлаш.

Қонун хужжатларида давлат харидларини амалга ошириш соҳасида коррупциянинг олдини олишга доир бошқа чора-тадбирлар ҳам назарда тутилиши мумкин.

## **24-модда. Норматив-хуқуқий хужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси**

Норматив-хуқуқий хужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси:

коррупцияга оид хуқуқбузарликларни содир этиш имкониятини яратадиган, коррупцияга сабаб бўладиган омилларни аниқлашга;

коррупцияга оид хуқуқбузарликларни содир этиш имкониятини яратадиган лойиҳани қабул қилиш оқибатларини умумий баҳолашга;

норматив-хуқуқий хужжатларни қўллаш жараённада коррупция хусусиятига эга хавфларнинг юзага келиши эҳтимолини прогноз қилишга;

коррупцияга сабаб бўлган, аниқланган омилларни бартараф этишга қаратилган тавсияларни ишлаб чиқишга ва чоралар кўришга йўналтирилган жараёндан иборат бўлади.

Норматив-хукуқий хужжатларнинг ва улар лойихаларининг коррупцияга қарши экспертизаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан фаолиятнинг тегишли йўналишлари бўйича ўтказилади.

## **5-БОБ. КОРРУПЦИЯГА ОИД ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИ АНИҚЛАШ, УЛАРГА ЧЕК ҚЎЙИШ, ЖАВОБГАРЛИКНИНГ МУҚАРРАРЛИГИ**

**25-модда. Коррупцияга оид хуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш ва уларга чек қўйишга, коррупцияга оид хуқуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини таъминлашга доир чора-тадбирлар**

Коррупцияга оид хуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш ва уларга чек қўйишга, коррупцияга оид хуқуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини таъминлашга доир чора-тадбирлар қўйидагилардан иборат:

коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни бевосита амалга оширувчи давлат органларининг коррупциянинг ҳолатини ва тенденцияларини тизимли таҳлил қилишга асосланган самарали ишини ташкил этиш, уларнинг фаолиятида коррупцияга оид хуқуқбузарликларга йўл қўймаслик;

коррупцияга оид хуқуқбузарликларга қарши курашнинг замонавий шакллари ва усулларидан фойдаланиш, хуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг техник таъминоти даражасини ошириш, уларнинг ишига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш;

судларнинг мустақиллиги ва эркинлигини, улар фаолиятининг очиқлигини таъминлаш;

коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни бевосита амалга оширувчи давлат органлари ўртасида мувофиқлаштиришни ва ҳамкорликни таъминлаш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг коррупцияга оид хуқуқбузарликлар фактларига доир мурожаатлари тўлиқ, холисона ва ўз вақтида кўриб чиқилишини таъминлаш;

коррупцияга оид хуқуқбузарликлар тўғрисида ахборот берган шахсларнинг ҳимоя қилинишини таъминлаш;

коррупцияга қарши курашнинг самарали жиноят-хуқуқий ва жиноят-процессуал механизмларини яратиш.

**26-модда. Давлат органлари ходимларининг коррупцияга оид хуқуқбузарликлар фактлари тўғрисида хабар қилиш мажбурияти**

Давлат органларининг ходимлари уларни коррупцияга оид хуқуқбузарликлар содир этишга кўндириш мақсадида бирор-бир шахс ўзларига мурожаат этганлигига доир барча ҳоллар тўғрисида, шунингдек давлат органларининг бошқа ходимлари томонидан содир этилган шунга ўхшаш хуқуқбузарликларнинг ўзларига маълум бўлиб қолган ҳар қандай фактлари ҳақида ўз раҳбарини ёхуд хуқуқни муҳофаза қилувчи органларни хабардор этиши шарт.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган мажбуриятнинг давлат органларининг ходимлари томонидан бажарилмаганлиги қонун хужжатларига мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

**27-модда. Коррупцияга оид хуқуқбузарликлар учун жавобгарлик**

Коррупцияга оид хуқуқбузарликлар содир этганлик қонун хужжатларига мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

Коррупцияга оид хуқуқбузарлик содир этган шахслар суднинг қарорига кўра муайян хуқуқлардан, шу жумладан муайян лавозимларни эгаллаш хуқуқидан қонунга мувофиқ маҳрум этилиши мумкин.

Юридик шахслар коррупцияга оид хуқуқбузарликларни содир этганлик учун қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

## **28-модда. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида ахборот берётган шахсларни ҳимоя қилиш**

Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида ахборот берётган шахслар давлат ҳимоясида бўлади, қонунда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида ахборот берётган шахсларни таъқиб этиш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

Ушбу модданинг қоидалари коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида била туриб ёлғон ахборот берган шахсларга нисбатан татбиқ этилмайди, улар қонунга мувофиқ жавобгар бўлади.

## **29-модда. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар натижасида қабул қилинган қарорларни бекор қилиш ёки ўзгартириш**

Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар натижасида қабул қилинган қарорлар манфаатдор шахснинг аризасига кўра ваколатли давлат органи, бошқа ташкилот ёки мансабдор шахс томонидан бекор қилиниши ёхуд ўзгартирилиши ёки суд тартибида ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этилганлиги натижасида қабул қилинган қарор бекор қилинган, ўзгартирилган ёки ҳақиқий эмас деб топилган тақдирда, унинг қабул қилиниши натижасида жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарнинг ўрни қонун хужжатларида белгиланган тартибида қопланиши лозим.

## **6-БОБ. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР**

### **30-модда. Коррупция соҳасидаги тадқиқотлар**

Коррупциянинг ҳолатини, хусусиятини, миқёсларини, ўзгаришларини ва тенденцияларини, шунингдек коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг амалга оширилиш самарадорлигини ўрганиш давлат органлари томонидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари, шунингдек фуқаролар билан ҳамкорликда социологик, маҳсус, илмий тадқиқотлар ҳамда бошқа турдаги тадқиқотлар ўтказиш йўли билан доимий асосда амалга оширилади.

Социологик тадқиқотлар коррупцияга энг кўп дучор бўлган тармоқлар ва соҳаларни, унинг юзага келиши сабаблари ва шарт-шароитларини аниқлаш, шунингдек мазкур фаолиятга жалб этилган ижтимоий гурухларни аниқлаш мақсадида социологик сўровлар ўтказиш ва бошқа усууллардан фойдаланиш йўли билан жамоатчилик фикрини тизимли ўрганишни ўз ичига олади.

Маҳсус тадқиқотлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органларнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолияти натижаларини, коррупцияга оид жиноятчиликнинг ҳолатини, коррупция кўрсаткичларининг статистика ҳисобини мунтазам равишда тизимли таҳлил қилишни, давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг хусусияти ва миқёсларини, ўзгаришлари ва тенденцияларини ўрганишни ўз ичига олади.

Илмий тадқиқотлар коррупцияга қарши курашиш муаммолари бўйича илмий тадқиқотлар ўтказишни, илмий услубиётлар ва тавсиялар ишлаб чиқиши, уларни амалиётга оқилона жорий этишни, коррупцияга қарши курашишда қўлланилаётган шакллар ва усууллар самарадорлигини прогноз қилиш ҳамда илмий таҳлил этишни ўз ичига олади.

Давлат коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги тадқиқотларни қўллаб-кувватлайди ва рағбатлантиради.

### **31-модда. Ахборот олиш**

Ҳар ким давлат органларининг ташкил этилиши ва фаолият кўрсатиши тўғрисида, шу шахснинг ўзига ёки шахслар гуруҳига тааллуқли бўлган ҳужжатларнинг қабул қилиниш жараёнлари ҳақида ахборот олиш ҳуқуқига эга.

Давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар коррупция билан боғлиқ бўлган, жамият учун аҳамиятга молик воқеалар, фактлар, ҳодисалар ва жараёнлар тўғрисидаги хабарларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда оммавий ахборот воситаларига тақдим этади. Ахборот олиш фақат қонунга мувофиқ чекланиши мумкин.

### **32-модда. Коррупцияга қарши курашиш соҳасида ҳалқаро ҳамкорлик**

Коррупцияга қарши курашиш соҳасида ҳалқаро ҳамкорлик Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ва ҳалқаро шартномаларига мувофиқ амалга оширилади.

Коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи давлат органлари чет давлатларнинг ваколатли органларига зарур ахборотни тақдим этиш тўғрисида сўровлар юбориш ва уларнинг сўровларига жавоб бериш ҳуқуқига эга.

Коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи давлат органлари коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар натижасида олинган мол-мулкни Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ва ҳалқаро шартномаларига мувофиқ қайтариш чораларини кўради.

### **33-модда. Қонун ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

хукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиrsин;  
давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини кўриб чиқишилари ва бекор қилишларини таъминласин.

### **34-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши**

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти  
Ш. МИРЗИЁЕВ  
Тошкент ш.,  
2017 йил 3 январь,

## АДАБИЁТЛАР

### Халқаро хукуқ

- Конвенция об уголовной ответственности за коррупцию. — Совет Европы. Серия Европейских договоров. № 173. Страсбург: 1999. 27 янв.
- Конвенция о гражданско-правовой ответственности за коррупцию — Совет Европы. Серия Европейских договоров. № 174.
- Конвенция Организации объединённых наций против коррупции. Нью-Йорк: ООН, 2004.
- Конвенция ООН против коррупции

### Илмий ва публицистик ишлар

- Коррупция и бюрократизм: истоки и пути преодоления: Темат. сб. / Рос. акад. гос. службы при Президенте Рос. Федерации; [Отв. ред. Иванов Г. И.]. — М.: РАГС, 1998.
- *Волженкин, Б. В.* Коррупция. — СПб.: СПБЮИ, 1998.
- Основы борьбы с коррупцией (системы общегосударственной этики поведения) / под ред. С. В. Максимова — М.: 1999.
- Россия и коррупция: кто кого. / Текст подгот. Регион. обществ. фондом «Информатика для демократии» (Фондом ИНДЕМ). — М.: Изд-во Независимая Газета, 1999.
- *Альбац Е. М.* Бюрократия: Борьба за выживание. — М.: ГУ ВШЭ, 2000.
- *Гевелинг Л. В.* Клептократия. — М.: Гуманитарий, 2001.
- *Кузьминов Я. И.* Тезисы о коррупции. — М.: Гос. ун-т. Высш. шк. экономики, 2000.
- *Тимофеев, Л. М.* Институциональная коррупция: Очерки теории / Лев Тимофеев; [Рос. гос. гуманитар. ун-т]. — М.: Изд. центр РГГУ, 2000.
- *Богданов, И. Я.* Коррупция в России: Соц.-экон. и правовые аспекты / И. Я. Богданов, А. П. Калинин; Рос. акад. наук. Ин-т соц.-полит. исслед. — М., 2001.
- *Аминов, Д. И.* Коррупция как социально-правовой феномен и пути её преодоления / Д. И. Аминов, В. И. Гладких, К. С. Соловьев; Моск. акад. предпринимательства при правительстве г. Москвы. — М.: Юрист, 2002.
- *Роуз-Аккерман, С.* Коррупция и государство. Причины, следствия, реформы / Сьюзан Роуз-Аккерман; пер. с англ. О. А. Алякринского. — М.: Логос, 2003. — 356 с.
- *Краснов, М. А.* Коррупция на дорогах / Краснов, Михаил Александрович. — М.: Фонд ИНДЕМ, 2004.
- *AP K782 Красноусов, С. Д. (Сергей Дмитриевич).* Коммерческий подкуп как форма коррупции в частном секторе : понятие и противодействие : автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. Специальность 12.00.08 — уголовное право и криминология; уголовно-исполнительное право / С. Д. Красноусов; науч. рук. Н. В. Щедрин. -Владивосток, 2012. — 26

- *Козонов, Э. Ю.* Коррупция: истоки и пути преодоления / Козонов Э. Ю., Жукаев А. М. — М.: МАКС Пресс, МГУ им. М. В. Ломоносова, 2006.
  - Борьба с ветряными мельницами? Социально-антропологический подход к исследованию коррупции. — СПб.: Алетейя, 2007. — 234 с.
  - *Педреро Мигель.* Коррупция. Клоака власти. — М., СТОЛИЦА-ПРИНТ, 2008. — 320 с.
  - *Конышев В. Н., Сергунин А. А.* Система индикаторов вузовской коррупции // Высшее образование в России. 2011, № 10.
  - *Румянцева Е. Е.* Коррупция как противоположность демократии // Научный эксперт. — 2008. — № 12. — С. 60-70.
  - *Румянцева Е. Е.* Коррупция как альтернатива демократии. — Palmarium Academic Publishing, 2012.
  - *Макаров А. А.* Коррупция в системе органов внутренних дел. — М.: Nota Bene, 2009.
  - *Мирошниченко Д. В.* Уголовно-правовое воздействие на коррупцию. — М.: Юрлитинформ, 2010. — 200 с.
  - *Гриб В. Г., Окс Л. Е.* Противодействие коррупции. — М., 2011. — 192 с.
  - *Соловьев В. Р.* Империя коррупции. Территория русской национальной игры. — М., Эксмо, 2012. — 288 с.
  - *Фисман, Р., Мигель, Э.* Экономические гангстеры. Коррупция, насилие и бедность национальных масштабов. — М., 2012. — 302 с.
  - *Лариса Буракова.* Почему у Грузии получилось. — Альпина Паблишер, 2011. — 271 с.
- Бадий асарлар**
- *Дубовицкий Натан* Русский пионер. Специальный выпуск. — М.: «Живи», 2009. — 112 с.